Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 135 (20. 702) • 1990 йил 14 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

11 июнь куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС ўлка ва область комитетлари биринчи котибларининг кенгаши бўлди. Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди. «Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков маъруза қилди.

КПСС XXVIII съездига ва Россия партия конференциясига тайёргарлик қандай бораётганлиги кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Медведев ахборот берди.

Кенгашда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(М. С. Горбачевнинг кенгашда сўзлаган нутқи газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

(ТАСС).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съездида сиёсий йўл-йўриқлар аниқ белгилаб олинди, жумҳурият манфаатларига мос келадиган мақбул ечимлар кўрсатиб берилди

ЭЗГУ иш — бошлангунча, — дейди халқимиз. Жумҳуриятимизда халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда янгиланиш, партия ва давлатни адолатли бошқариш бошланганлигини батафсил ифодалаб, илғор фикрларни баён этган Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ўз ишини якунлади. У юртимизда чархи фалак халқ, партия иродаси билан Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар ҳаётини яхшилашнинг асосий йўналишларига мувофиқ айлана бошлаганини шаҳодат этди. Эртанги ёруғ, фаровон кунларга ишонч уйғотди. Она сутим ҳалол бўлсин, юртдошларимнинг аччиқ кўз ёшлари тўкилмасин, авлод-аждодлар руҳи шод бўлсин, деган юрагида ўти, билагида қуввати бор ҳар бир фуқарони юрт тақдирини ўйлаб иш тутишга чорлади.

Съезд жуда мураккаб, кескин, инқирозли вазиятлар авжига чиққан, барча соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, мушкулликлар сиртга қалқкан, меҳнаткашларнинг адолатли талаблари, ҳақли эътироз лари баралла айтилаётган бир паллада ўтди. Шунга қарамай муштарийларнинг съезд арафасидаги хатларига кўра кейинги вақтларда ғайратли, қўрқув нималигини билмай, зафарга интилаётган партия раҳбариятидан умид катта эди, меҳнаткашлар ҳаммани безовта қилиб турган, кўнгилларига озор бераётган жуда ўткир муаммоларга жавоб кутардилар. Партия съездга тайёргарлик даврида, жамоат фикрини чуқур ўрганиб, уни назарий, амалий жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил этиб, жумҳурият ва унинг партия ташкилоти аҳволи ва келажаги ҳам шу муаммоларнинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган масалаларни унинг муҳокамасига қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг «Қайта қуришнинг борыши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида»ги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси халқ кутган саволларнинг деярли ҳаммасини қамраб олди.

Ўзгаришлар ҳеч қачон равон бўлмайди. Курашмоқ лозим. Ҳисобот маърузасининг одатдаги маърузаларга ўхшамаслиги, теран, назарий ва амалий ҳақиқатга асосланганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ўткирлиги, ҳалоллиги, ваъдабозликдан узоқлиги ҳам қайта қуриш даврининг самараси бўлди. Маърузадан, аввало, жумҳурият партия ташкилотининг иш услуби ўзгаргани яққол кўринади. Аввалари бўлганидек «Партия режалари — халқ режалари!» ёки «Халқ партия учун хизмат қилади!» эмас, балки аксинча «Халқ режалари — партия режалари!», «Партия халқ учун хизмат қилади!» дейилиб, партия фаолияти халқ ҳаётига пайванд қилинганлиги, яқинлаштирилгани, унинг дардига малҳам бўлишга, муаммоларини ечишга ва мушкулини осон қилишга қаратилганини ҳис этасиз. Сўздан амалий ишга кўчилгани намоён бўлади. Оз-оздан бўлса ҳам, халқнинг талаб ва эҳтиёжлари қондира бошлаганлиги қувонтиради Қисқа вақт ичида ўзбек тилига давлат мақоми берилди, халқимизнинг асрий байрами — «Наврўз» тикланди, «Мерос» дастури ишлаб чиқилди, Алишер Навоий номидаги республика Давлат мукофоти таъсис этилди. Миллион-миллион халқ маблағига завол бўлган нозирликлар, вилоят, шаҳар ва районлар зарур ҳолга келтирилди, турли тиллардаги қатор нашрлар юз кўрсатди, виждон эркинлигига йўл очилди, маънавий-маданий, мафкура соҳасидаги кўп ишлар ечилди, ечилмоқда. Иқтисодий танглик, юпунлик соҳасидаги кўп муаммолар ҳал этилмоқда. Марказга тобеликнинг аччиқ сабоқлари очиқ-ойдин айтилиб, унинг сиёсий сабаблари ўрганилиб, номатлуб ишларни тузатиш имкониятларини топишга киришилди. Бу борада жаҳон ҳамда қардош республикалар тажрибалари ўрганилди, олимлар, оқсоқоллар, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида қатор масалалар ташаббускорлик билан илк бор жумҳуриятнинг ўзида ечимини топди.

«Бақувват марказ — бақувват республика» эмас, балки «Бақувват республика — бақувват марказ!» деган қатъий йўл танлаб олинди.

Бу йўлда партия ва ҳукуматимиз раҳбариятига кучқувват, сабот тилаб, баҳоли қудрат яқиндан амалий ёрдам бериш каттадан-кичик ҳамманинг муқаддас бурчидир.

Съездда шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида миллий сиёсатнинг, халқлар тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ленинча принциплари бузилганлиги ва бунинг оқибатида жумҳуриятимиз ижтимоий-иқтисодий аҳволига катта зиён етказилганлиги маърузада ва нотиқларнинг сўзларида очиқ-ойдин айтилди. Ундан чиқиш йўллари ҳақида фикр юритилди. Бундай аҳвол учун, муайян шовинист ва миллатчи кучлар талқин этаётганидек, халқларнинг ўзи, барча синовларнинг энг кўп оғирлиги зиммасига тушган Россия меҳнаткашлари асло айбдор эмаслиги ишончли далилларда таъкидланди. Съездда бутун масъулият билан айтилдики: бундан буён регионимиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқини эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазйиқи остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак. Регионимиз тараққиётининг истиқболларига аввало жумҳурият аҳолисининг, мана шу қадимий ва гўзал днёрда яшовчи барчанинг, ҳар бир кишининг манфаати нуқтаи назаридан қарашимиз лозим. Ўзбекистон Компартияси қайта қуришнинг ҳаётбахш шабадасидан баҳра олиб кейинги даврда ишларнинг аҳволини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш ва вазиятни ўнглаб олиш учун қатъий чоралар кўриш ташаббускори бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистоннинг бошига тушган қулфатларни унинг айби дейишга уринган, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган уйдирма гапларни тўқиб чиқарганларга қарши машаққатли курашга, ўнглаш қийин бўлган, сиёсий ва маънавий зарар етказган маҳаллий кадрлар билан бошқа регионлардан жўнатилган кадрларнинг сунъий тарзда кучайтирилган қарама-қаршилигига барҳам бериш киришилди.

КЕЙИНГИ пайтда Ўзбекистоннинг соғлом кучлари бошлаган адолат йўлидаги бу ишлар анча натижа берди.

Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта тайёрлашни барқарорлаштириш тадбирлари кўрилди. Пахта ва бошқа маҳсулотларни йиғиштириб олиш учун тўланган қўшимча ҳақ ўтган йили қариб 400 миллион сўмга етди, бу йил эса икки баравар кўпаяди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам қисман ҳал қилина бошланди. Даромади кам бўлган аҳолига ёрдам кўрсатилянти, бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларга бепул нонушта, хаста, ҳомиладор аёлларга зарур ёрдам бериладиган бўлди. Мўйсафидларнинг пенсиялари ва имтиёзлари кўпайди. Талабалар қўшимча пул олиптилар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер ажратилмоқда. Кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ёрдамни кўпайтириш, шахсий ёрдамчи хўжаликни муқаррар тарзда ем-хашак билан таъминлаш тадбирлари кўрилди. Вазифа бундан буён ҳам халқни мавжуд адолатсизликлардан ҳимоя қилиш учун янада кўпроқ иш қилишдан иборатдир.

Жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий силжишлар қилиш, бу соҳадаги дастлабки тажрибаларни такомиллаштира бориш коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг муҳим бурчидир. Янги раҳбарият эскиликни бартараф этиш, вазиятни юмшатиш, портлаш бўлишига йўл қўймаслик учун зарур имкониятларни қидириб топаётган ва самарали, таъсирчан чоралар кўришдек оғир вазифаларни бажараётган ҳозирги вақтда, унга камарбаста бўлиш, яқиндан ёрдам бериш ҳар биримизнинг виждон ишимиздир.

Жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати маънавий қадриятларимизни эзозлаш, инсонга ғамхўрлик ва иззатикром кўрсатишнинг қатъий, изчил йўлидан бормоқда.

Коммунистик партиянинг сайловолди ҳаракат дастурини тўла амалга ошириш, халққа берган ваъдаларни бажариш, амалий ишлар билан унинг ишончини оқлаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзбекистон Компартияси олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришда раҳбарларнинг интизоми ва масъулиятини мустаҳкамлаш, ошириш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини кўтариш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш зарур.

Партия обрўси учун, коммунист номи учун жавобгарликни ҳис этиш, ҳар бир ишни босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият билан бажариш фаолиятимиз мезони бўлиб қолсин. Съезд минбаридан туриб таъкидланганидек, «Бугун тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, партия органлари билан меҳнаткашлар оммасини ажратиб турган жарлик торайиб, ниҳоят, бу жарлик устига кўприклар қурилмоқда». Халқ ва партия ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги, жипслиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Жумҳурият партия ташкилоти ва ҳукумати кўраётган амалий тадбирлар мамлакатдаги халқ хўжалик кўрсаткичлари тобора пастлаб кетаётган бир даврда асосий кўрсаткичлар даражасини сақлаб қолишга ва ҳатто бир қадар олға силжишга имкон яратади. Зўриқмасдан ва шаҳар аҳлини сафарбар қилмай, ўтган йили пахтадан дуруст ҳосил кўтарилди. Саноат ишлаб чиқаришида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам муайян силжишлар юз берди.

ЭНДИГИ вазифа, эришилган дастлабки марраларни мустаҳкамлаб, жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўзга кўринарли жиддий силжишларга, хўжалик юритишнинг эски усуллари асоратига батамом барҳам бериб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган режаларига эришишдан, мавжуд камчилик ва хатоларга чек қўйиб, халқнинг ҳақли талаблари даражасида ишлашдан иборатдир. Бунда барча область, Қорақалпоғистон АССР партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ишни ҳамма жабҳаларда амалий самаралар билан белгилашлари, иш барбод бўлса унинг сабабларини аниқлаб, топширилган иш учун барча коммунистларнинг масъулиятини оширишлари зарур. Токи, вазиятни муқаррар тарзда барқарор этишга, ишончни тўла-тўкис тиклашга эришайлик, жумҳурият ҳаётида туб ўзгаришлар таъминланиши, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила ва инсоннинг турмушида, конкрет силжишлар бўлишини таъминлаш лозим.

Съезд аниқ кўрсатиб бердики, бу эзгу ишларни кечаги куннинг усулларидан, мавжуд тузукларидан фойдаланиб ҳал этиб бўлмайди, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги янги ҳаракат дастури зарур. Зотан Ўзбекистон Компартияси съездда жумҳуриятни иқтисодий мустақиллик йўлига солиб юбориши, уни ҳамон давом этаётган инқироз гирдобидан чиқариш учун нима қилиши кераклигини аниқлаб олиши зарур эди. Съездда бу масала юзасидан ҳам ҳар томонлама келишиб олинди. Энг аввало, Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашилди.

Жумҳурият имкониятларини Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик харидоргирлигини назарда тутиб кўриб чиқиш кераклиги белгилаб қўйилди. «Биз ерларимизни ардоқласак, улардан оқилона ва самарали фойдаланса, 20 миллион одамнигина эмас, балки ундан ҳам анча кўп одамларни боқа оламиз» деган хулосага келинди. Ўзбекистоннинг ер остидаги ва устидаги бойликлар мўл-кўл, улардан жумҳурият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш асосий мақсадлардан бири деб белгиланди. Хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришиш — асосий вазифалардан эканлиги таъкидланди.

Жумҳуриятимизнинг энг катта, бебаҳо бойлиги — унинг одамлари эканлиги, съездда яна бир бор қайд этилди. Уларга шароит ва имконият яратилса тоғни талқон қилишга қодирлиги уқтирилди. Шу билан бирга бу соҳадаги муаммоларни ечиш партиянинг бош йўли эканлиги таъкидланди.

Муаммоларнинг аксариятини муваффақиятли ҳал этиш, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришга боғлиқ эканлиги чуқур таҳлил орқали кўрсатиб берилди. Ўзбекистон Компартиясининг бутун аграр сиёсатида пахтачиликка муносабат марказий масала бўлиб қолиши таъкидланди. Зеро, Ўзбекистон аҳолисига беқиёс зарар келтирган пахта яккаҳокимлигига қарши кураш изчиллик билан давом эттириладиган бўлди. Қишлоқларнинг ижтимоий ҳаётини қайта қуриш Компартиянинг бош вазифаси деб айтилди.

«Биз съезд номидан деҳқонларга: биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз, деб айтамиз, — 4 дейилади маърузада. — Қишлоқ ижтимоий турмушини қайта қуриш, қишлоқнинг сув таъминотини, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани яхшилаш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топамиз. Бу бизнинг вазифамиз, бизнинг бурчимиздир». Бу мақсадларга эришиш учун жумҳуриятимиздаги барча мутасадди идора ва муассасалардан тортиб ҳар бир коммунист, оддий меҳнаткашгача изчиллик ва қатъият кўрсатиши лозим.

Съездда вақти билан бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги муҳим вазифалар ҳамда уни ҳал этиш йўллари батафсил кўрсатилди. Сув таъминоти масаласи, Орол фожиаси, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган кишиларни иш билан таъминлаш, турмуш даражасини ошириш сингари зарур, долзарб масалалар очиқ-ойдин кун тартибига қўйилиб, уларни ечиш борасида қилинган амалий ишлар ва истиқболдаги режалар ишончли далиллар, рақамлар асосида баён этилдики, бу соҳалардаги эртанги ёруғ кунларга ишонч ортди. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият-санъат, хотин-қизлар масалаларига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтилди. Ушбу соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди.

Халқ хўжалиги олдида турган катта вазифаларни жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш асосидагина ҳал этиш мумкин эканлиги уқтирилди. Съездда масала кўндаланг қилиб қўйилди: Ўзбекистондаги барча хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари жумҳуриятнинг ихтиёрига ўтказилиши лозим. Ўз хом ашёмизни ва маҳсулотларимизни Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сотадиган бўлишимиз керак. Бу — нормал иқтисодий муносабатларнинг муҳим мезонидир.

Ўз фаолиятининг асосий мақсади халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, деб билган Ўзбекистон Компартияси съездда шу йил 1 июлданоқ нархларнинг чакана нархи бошқа нархлардан айри ҳолда бир томонлама оширилишига қарши қатъий эътироз билдирди ва ўз эътирозининг ҳақлигини асослаб берди.

Съездда айтилган бу ва бошқа қатор вазифаларни амалда ҳал этишда кадрларнинг ўрни каттадир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, танлаш ва уларни мамлакатдаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларга ўқишга юборишнинг Ўзбекистон республика фонди тузилганлиги ва бошқа кўрилган дастлабки тадбирлар ҳадемай ўзининг самарасини беради. Бу жараённи бутун чоралар билан жадаллаштириш муҳим вазифадир.

Партия обрў-эътибори, унинг етакчилик кучи энг аввало, партия сиёсатининг, партия олий мақсадларининг нақадар халқчиллигига, одамларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги ғамхўрлигига, долзарб муаммоларни қанчалик ҳал этишга қаратилганлигига, зарур, амалий асосга эга эканлигига боғлиқ бўлса, айни вақтда ҳар бир партия аъзосининг, айниқса партиядаги ўртоқларнинг садоқатига, самимиятига, холис-ҳақиқатгўйлигига, уларнинг ишончига сазовор бўлган коммунист раҳбарнинг чинакам обрў-эътиборига ҳам боғлиқдир. Буни доим ёдда тутиш, айниқса КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кетаётган ҳозирги пайтда алоҳида эътибор бериш катта аҳамиятга эгадир. Партияни қайта қуришнинг моҳияти кўп жиҳатдан жойлардаги партия ташкилотлари, комитетлари ва уларнинг раҳбарларининг боғлиқдир. Съездда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети, жумҳуриятнинг сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи тўғрисида фикр юритилганда, бу борадаги ҳамма гаплар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўриб чиқилиб, зарур вазифалар белгиланди. Ҳеч кечиктирмасдан иттифоқ шартномасини, кўп миллатли давлатимизни сақлаб қола оладиган ва жипслаштирадиган, ҳар бир халқнинг кенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлайдиган шартномани ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатилди. Шу нарса ҳам алоҳида уқтириб ўтилдики, бевосита бошқарув вазифаларининг Советларга топширилиши сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун партия масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилганлигини билдирмайди. Иттифоқ миқёсида бўлганидек, Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши ҳам муҳим тадбир бўлиб, қонунларни, давлатнинг бошқа ҳужжатларини ижро қилиш воситасини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Эндиликда Коммунистик партия жамиятдаги мавқеини қонун ва буйруқлар йўли билан қарор топтирмай, балки ўзининг аниқ-амалий ишлари билан обрў-эътиборга сазовор бўлиши керак. Съездда таъкидлаб кўрсатилганидек, жумҳуриятимизнинг истиқболдаги тараққиётини сиёсий йўл-йўриқлар билан ишлаб чиқиб, халққа таклиф этиши, бу йўл-йўриқларни Советлардан ва давлат ҳокимияти бошқа идораларидан коммунистлар орқали рўёбга чиқарилишига эришиш лозим.

Вазифа партиянинг жумҳурият сиёсий системасидаги янги мавқеини амалда таъминлаш учун Ўзбекистон Компартияси фаолиятини чуқур қайта қуришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигига эришиш, — деб таъкидланади съезд материалларида, — Ўзбекистон Компартиясининг ҳам амалий мустақиллигини таъминлаш, уни марказнинг ҳаддан ортиқ васийлик қилишидан халос этишни объектив зарурат талаб қилмоқда. Бу жумҳурият аксарият коммунистларининг иродасидир.

Съездда янги вазифалардан келиб чиқиб, ишга янгича ёндашиш зарурлиги, бунда ҳозирги мураккаб вазиятда халқнинг ҳақиқий манфаатларини, партия манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қила оладиган кадрлар фаолият кўрсатиши лозимлиги уқтирилди. Қайта қуриш тарафдори бўлган барча жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар билан мулоқот қила олишга қодир бўлган чинакам ижодкор, ташаббускор кишиларга суяниб иш кўриш, бундай кишиларнинг сафини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Эътиқод кучи, позицияларнинг аниқлиги билан барча табақалар ва ижтимоий гуруҳлардаги, сиёсий системанинг ҳамма бўғинларидаги ўз таъсирини йўқотмаслиги, жамиятимизни янгилаш ишида барча соғлом кучларни жипслаштира бориш Коммунистик партиянинг муҳим вазифасидир.

Мафкуравий масалалар, меҳнаткашларни байналмилал тарбияси ҳақидаги, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид вазифалар, демократия ва партиявий бирлик тўғрисидаги муаммолар съездда кенг таҳлил этилди ва улар олдида турган муҳим ишлар таъкидланиб, уни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди. Съезд партия ташкилотларининг диққат-эътиборини КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Устави лойиҳалари ҳамда партиянинг съездолди бошқа ҳужжатларининг новаторлик руҳига қаратиб, улар хусусидаги Ўзбекистон аҳлининг, коммунистларининг фикрларини баён этиб, бу ҳужжатлар асосида ҳар бир коммунистнинг ўз позициясини онгли равишда белгилаб олишига эришишга қаратди. Эндиги вазифа уларни ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этишдан иборатдир. Съезд партиянинг марказий органларини сайлади.

ЎЗБЕКИСТОН Компартиясининг XXII съезди шубҳасиз партия ташкилотлари ишидаги энг муҳим босқич бўлиб қолади. У жумҳурият партия ташкилоти жўшқин, зиддиятли жараёнларни бунёдкорлик йўлига бошлашга қодир эканлигини яна бир марта кўрсатди. Ижтимоий-сиёсий, ишлаб чиқариш, иқтисодий соҳаларда, маънавий-маданий турмушда жамиятимизни тартибсизлик томон, вайроналик сари етаклашга интилувчи бузғунчи кучларга қарши курашга қодир эканлигини намойиш этди, бузғунчилик ёндашишларига ҳеч қачон йўл қўйилмаслигига тегишли далиллар асосида жавоб берди. Ишонч билан айтиш мумкинки, XXII съезд республика партия ташкилоти ҳаётида, жумҳуриятимиз тарихида ўзининг алоҳида мавқеи ва аҳамияти жиҳатидан жуда муҳим бурилиш нуқтаси бўлиб қолади. Зеро, съезд ўзининг ҳар томонлама пухта ўйланган, чуқур ҳаётий, зарур масалаларни ҳал этишга қаратилган, мавжуд имкониятларга ҳамда уларни янгиланиш, ошкоралик ва жамиятни мукаммал демократиялаш сиёсати марҳаматидан келиб чиқиб тузилган қарорлари билан Компартияни равшан сиёсий йўл-йўриқлар, аниқ ҳаракат дастури билан қуроллантирди. Съезднинг ҳужжатлари республика тараққиётининг долзарб муаммоларини муваффақиятли ҳал этилишига пойдевор бўлади, ҳаракатга келтирувчи забардаст куч манбаи бўлиб қолади. Чиндан ҳам партия анжумани қарорлари амалий ҳаракат қилиш асосидир. Уларни чуқур ўрганиб, уқиб олиш, улар асосида ҳар бир конкрет шароитдан келиб чиқиб, тегишли режаларни тузиб олиш ҳар бир ташкилот, ҳар бир жумҳурият фуқаросининг, коммунистларнинг асосий вазифасидир. Шу асосда, ҳаракат қилиб, жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга эришиш учун, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан янада олға боришини таъминлаш учун амалда астойдил курашиш айни муддаодир.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДА ХОМ АШЁ ВА ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ҲАМДА УЛАРНИ СОТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ — «УЗГЛАВЛЕГСНАБСБИТ»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини ва суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлашга оид аниқ тадбирларни амалга ошириш, жумҳурият ҳудудида етиштириладиган пахта, пилла, ипак, қоракўл, сунъий ва синтетик толалар ҳамда бошқа маҳсулотларни сотишда унинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек енгил саноат корхоналарини хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар билан янада барқарор таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хўжалик ҳисобидаги хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш Бош бошқармаси («Узглавлегснабсбит») ташкил этилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

1990 йил 11 июнь,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ САВДО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жумҳуриятнинг ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришга оид ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва ҳорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил этишни зарур деб ҳисоблайман.

Ушбу комитет зиммасига ҳорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, бозор шароитини ўрганиш, жумҳурият ҳудудида ташқи алоқалар қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатларини таъминлаш, маҳсулот етказиб беришнинг белгиланган режалари ва битимлар бажарилишини назорат қилиш, ҳорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари ташкил этишда, шунингдек ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туристик ва бошқа хил алоқаларни йўлга қўйишда кўмаклашиш вазифаси топширилсин.

Жумҳурият Министрлар Совети мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

1990 йил 12 июнь,
Тошкент шаҳри.

(Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига шарҳларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

Ўзбекистон ССР Олий Советида

Депутатлар Қонун лойиҳасини таҳрир қилмоқдалар

12 июнь куни иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш масалалари доимий комиссиясининг қатнашчиларига таклиф этилган маълумотнома материаллари таркибининг ўзи янги давлат ҳужжатига оид ишлар қанчалик мураккаблигини акс эттирди.

Бу гал «Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг янги варианти ва Қонун матнининг турли таҳрири қиёслашган жадвал берилган эди. Бундай уйғун ҳолда халқ депутатлари билан экспертларнинг таклифлари ва мулоҳазалари қай тариқа янги Қонуннинг аниқ формуларида акс этаётганлигини бирмунча осонроқ кўриш мумкин эди, шунингдек ана шу ҳужжатга оид ишнинг бориши ҳам эндиликда янада яққолроқ бўлиб қолди.

Лойиҳа бирмунча тўлароқ, асослироқ, унинг баёни аниқроқ бўлиб қолди, деган умумий фикр билдирилди. Шунга қарамай...

Ҳар бир бўлим, ҳар бир модда қайта-қайта ўқиб чиқилади. Модда у ёқда турсин, иккита вергул туфайли фикрдаги у ёки бу жиҳатларни аниқлашга анчагина вақт кетди. Ўз-ўзидан равшанки, бунда гап фикр мазмуни тўғрисидагина бўлиб қолмай, мулк субъектлари ва объектлари тўғрисидаги тасаввурлар ҳам ўзгарди. Ҳамма нарса аниқланиб, жой-жойига қўйилди, Қонунни икки хил талқин этиш эҳтимоли бартараф қилинди.

Бошқа доимий комиссияларнинг аъзолари бўлган кўпгина халқ депутатлари, олимлар, бир қанча министрликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамиша бўлгани сингари мазкур давлат ҳужжатини ишлаб чиқишга қизиқиш билдирдилар. Ишга бундай ёндашув янги давлат ҳужжатининг муносиб назарий ва амалий даражада бўлишига ва ишлаб чиқилаётган мулк тўғрисидаги Қонун акс эттириши лозим бўлган турлича қизиқишларни кенг кўламда ҳисобга олишга кафолат беради.

Мажлисда яна бир қанча қўшимчалар ва аниқликлар киритилди — улар ҳисобга олиниб, «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлажак сессияси муҳокамасига тақдим этилади.

(ЎзТАГ мухбири).

БОШ КОНСУЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

12 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Й. Кумарнинг ваколатлари тутаганлиги муносабати билан уни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари тилга олинди. Дўст республиканинг Тошкентдаги Бош консулхонаси ижобий жараёнларни ривожлантиришда муҳим мавқега эга эканлиги айтиб ўтилди. Ана шу йўналишдаги фаол ишлари учун Бош консулга миннатдорчилик изҳор қилинди. Й. Кумар ўз ишида мадад ва ёрдам берилганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

БУЙРУҚБОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИГА АСЛО ҚАЙТИЛМАЙДИ

11 июнь куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС ўлка ва область комитетлари биринчи котибларининг кенгаши бўлиб ўтганлиги илгари хабар қилинган эди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев сўзлаган нутқни эълон қиляпмиз.

Ҳурматли ўртоқлар!

Биз бир қанча энг муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олиш, мамлакатда, жамиятда, партияда рўй бераётган жараёнларнинг моҳияти хусусида фикрлашиш учун сизларни КПСС Марказий Комитетига таклиф этдик.

Биринчиси — бозор иқтисодиётига тайёргарлик кўриш мавзуи қамраб оладиган масаладир. Бу масаланинг СССР Олий Советидаги, жамиятдаги муҳокамаси мураккаб ва хилма-хил бормоқда. Фикрлар, мулоҳазаларнинг жуда турли-туманлиги аниқланди. Ҳозир комиссиялар ишлаб турибди ва 13 июнь куни ҳукумат билан комиссиялар ўз фикр-мулоҳазалари ва ёндашувларини, ўз хулосаларини Олий Советга узил-кесил маълум қиладилар.

Ҳозирги босқичнинг ҳам, кейинги босқичнинг ҳам тафсилотларига ҳозир берилмоқчи эмасман. Бу масала юзасидан Николай Иванович Рижков муфассал гапириб беради, деб ўйлайман.

Бу учрашувни илгарироқ ҳам ўтказиш мумкин эди, деб ўртоқлар билдирган мулоҳазага тўла-тўкис қўшиламан. Буни тактик нуқсонлардан бири, деб ҳисоблаймиз. Бироқ бир ёмон ишнинг бир яхши томони бўлади. Бугун, ҳукуматнинг маърузаси Олий Советда муҳокама қилинганидан кейин биз қандай иқтисодиётга ўтаётганимиз энди равшанроқ кўрина бошлади. Сир эмаски, илгари масала: модомики бозор экан, демак капитализмга борамиз, бу ҳам етмагандек, йўқолсин социализм, деган тарзда идрок этилган эди, ҳозир бозор ҳақида осойишта гапирмоқдалар. Энди бунга қайси йўллар билан, қачон ва қайси усул билан бориш, одамларнинг ижтимоий ҳимоясини қандай таъминлаш кераклиги ҳақида фикр юритмоқдалар.

Товар-пул муносабатларига ўтиш — аслида бизнинг йўлимиз эканлигини эслатиб ўтмоқчиман. Биз бу йўлни XXVII съездда иқтисодиёт йўлидаги зарур қадам деб белгилаган эдик. Бу дастлабки, ҳали тўла идрок этилмаган ва ғоят оғир қадам бўлган эди. Эсга олинг: илгари бозор муносабатлари тўғрисидаги масала тилга олиниши биланоқ уни дарҳол ревизионизм, деб таърифлар эдилар. Биз ҳозир тушиб қолган аҳволга кўп жиҳатдан бозорга мана шундай ортиқча таҳлика билан муносабатда бўлинганлиги сабаб бўлди. Сўнгра июнь Пленуми бўлиб ўтди, унда биз туб иқтисодий ислоҳотнинг барча энг муҳим негизларини ишлаб чиқдик. Кейин XIX партия конференцияси бўлди. Ниҳоят, съездолди Ҳаракат дастуримиз эълон қилинди. Ҳозир эса биз сизлар билан бирга партияда ишлаб чиққан ўша сиёсий йўлни, кўрсатмаларни амалга ошириш ҳақида гап боряпти. Энди бу йўл ўзгариб, аниқ таърифлар, аниқ-равшан ёндашувларга айланмоқда.

Шу пайтга қадар биз жамиятимизни замонавий усулга мослаш билангина шуғулланиб, уни таг заминли ўзгаришларга тайёрладик. Тайёргарлик кўрмай туриб, бу йўлни бошлаб бўлмас эди, ҳолбуки, гап жамиятнинг базисидаги ўзгартишлар ҳақида бормоқда. Чунки биз аслида 1917 йилнинг Октябрида қилинган бурилишга тенглашадиган бурилиш қиляпмиз. Базисдаги бу ўзгаришлар бизни кўп укладли иқтисодиёт сари олиб боради: Мулкчилик, Ер, Ижара тўғрисидаги Қонунлар орқали бизни мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш йўли билан иқтисодий турмушнинг янги шаклларига олиб чиқади. Айни вақтда федерациямиз ҳам ислоҳ қилинаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, мана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, биз орзу қилаётган ва аслида, яқинлашиб бораётган янги жамиятни белгилаб беради.

Бу моҳиятни социализмнинг имкониятларини рўёбга чиқаришдан, унга халқчиллик, инсонпарварлик тусини бахш этишдан иборат бўлган бизнинг қайта қуриш сиёсатимизга мос келадими? Ёки биз бу йўлни амалга ошириш билан бир чеккага ўтиб қолмаяпмизми ва ҳатто орқага тисарилмаяпмизми?

Бунга очиқ кўз билан қарашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Шунда биз баъзи кишилар бозорга ўтишни мулкчилик муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш билан бевосита боғлаб, буни кейинчалик бутун иқтисодиётни хусусийлаштириш вазифасини қўйиш учун муҳим қадам деб ҳисоблаётганликларини кўрамиз. Бу фикрлар ҳар хил ҳаракат дастурларида сезилиб турибди. Ҳозирча буни ўрабчирмаб турибдилар ва ҳатто яширмоқдалар. Бунинг сабаби равшан: бизнинг жамиятимиз бошқача қадриятларга асосланган бошқача тузумни қабул этмайди. Сиз билан биз эса масалани мана бундай қўймоқдамиз: социалистик ғоянинг моҳиятига зид келмайдиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизга инсон яхши яшайдиган, ўзини дадил ҳис этадиган, эркин бўладиган жамиятни, ижтимоий ва маданий соҳани амалда вужудга келтиришга ёрдам берадими ёки йўқми? Бунда гап сиёсий ислоҳот орқали очиладиган сиёсий эркинликлар билан бир қаторда биз асосий эркинликка — инсонни хўжайин мавқеига чиқариб қўядиган, уни меҳнат воситалари ва натижалари билан бирлаштирадиган иқтисодий эркинликка чиқа олишимиз ҳақида бормоқда. В. И. Ленин ҳам шу фикрга, афсуски, ўз умрининг охирларида, жуда яқинлашиб қолган эди.

Шундай қилиб ўртоқлар, сиз билан биз ижтимоий тараққиётдаги ғоят кескин бурилиш бўсағасида турибмиз, бу бурилиш бутун турмуш тарзимизни ўзгартириб юборади. Бу ўринда биз ўтиш даврининг қийинчиликларигагина дуч келаётганимиз йўқ. Англашилмовчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Меҳнаткашлар давлати ўзининг қонун чиқарувчилик фаолияти орқали бозор муносабатларини рағбатлантириб, шу билан бирга жамиятни табақаланишдан, даромадлардаги фарқларнинг кўпайишидан, текинхўр синф пайдо бўлишидан омон асрайдиган ижтимоий ҳимоя системасини ҳам яратади. Мана шуларнинг ҳаммасини олдиндан пайқаб олиш ва йўл-йўлакай ҳаммасини ҳал этиб бориш керак бўлади.

Агар биз англашилмовчиликларга йўл қўймасак, бошқариладиган бозор иқтисодиёти социалистик ғояни, социалистик йўлни рўёбга чиқариш доирасида биз ўртага қўяётган мақсадларга бизни мушарраф этади.

Фақат мана шундай йўл бизнинг халқ турмуш даражасини ошириш сиёсатимизга мос келади. Агар шу жиҳатни эътибордан четда қолдирсак, ҳамма нарсани эскичасига ташлаб қўйсак, бизнинг турмуш даражамиз пасая бошлайди, сурункали турғунлик бошланади.

Дунёда қудратли технология инқилоби давом этмоқда. Биз бўлсак иқтисодиётни бошқаришдаги буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулимиз билан, аслида, фан-техника тараққиёти рад этиладиган ҳолатга тушиб қолдик. Технологиядаги қолоқлик кучаймоқда. Бунинг устига, инсоннинг ўзи уни ўсишга, ўзини ўзи камол топтиришга, ташаббус, омилкорлик кўрсатишга ундайдиган жиддий шароитлар йўқ бўлган муҳитга тушиб қолмоқда. Шундай қилиб, ҳар қандай нуқтаи назардан қараганда ҳам, бундай бошқарув системасининг умри тугади. Бу — биринчиси.

Иккинчидан: турмуш даражаси тўғрисида унинг пасайиш хавфлари ҳақида. Башарти, ҳозир бирон-бир киши ислоҳот умуман нарх белгиланишига таъсир қилмаслигига тўла кафолат бериш масъулиятини ўз зиммасига олса ва шу хусусда лойиҳа тақдим этишга тайёр бўлса, буни жиддий гап деб бўлмайди, ўртоқлар. Таваккалига қилинаётган ишнинг асоратини, аҳолининг турмуш даражаси пасайишини имкони борича камайтириш учун ҳамма нарсани тўла-тўкис ҳисоб-китоб қилиш кераклиги эса — бошқа ғап. Мана шу масала ҳақида бош қотириш керак! Шу муносабат билан Олий Совет сессиясидаги мунозарани эълон қилиш пайтида айни шу мавзу — кафолатлар мавзуи етарлича очиб берилгани йўқ, деб ўйлайман. Масалан, лойиҳада кундалик ҳаётга керак бўлган асосий озиқ-овқат ва саноат моллари тартибга солиниши ва назорат остида бўлиши белгилаб қўйилган, биринчи босқичда бу нарса жуда муҳим. Одамлар эса гўё ҳамма масалани нарх-навони ошириш ҳисобига ҳал этишмоқчи, деган маънода тушундилар. Чамаси, Олий Совет сессиясидаги маърузада ҳам, мунозарада ҳам ишнинг бу жиҳатига етарли эътибор берилмади.

Нон маҳсулотларининг чакана нархлари оширилиши теварагида гап-сўзлар кўп. Очиғини айтаман: жамият аллақачондан буён бу масалани ўртага қўйиб келмоқда. Кўп кишилар Марказий Комитетга хат ёзиб, бу тўғри чора. нонни эҳтиёт қилиш мақсадини кўзлайди, шунинг учун ҳатто ,товон тўланишидан воз кечишга тайёрмиз, демоқдалар.Нон азизлигини, унга тенг келадиган маҳсулот йўқлигини ҳамма тушуниб турган бўлса, демак, бу ҳолда жамият тайёр эканда. Нон бизда етарлича бор. Ўтиш даврида бу жуда муҳим. Нархи оширилса-ю, пештахтада аввал йўқ бўлганидек, барибир йўқ бўлаверса, бир гап-у, маҳсулот етарлича турган бўлса — бошқа гап.

Олдиндан башорат қилиш ҳали қийин. Бироқ бирон-бир маҳсулотни олиб, жамият нарх-навонинг ошишига қандай фикр билдиришини, нарх оширилганлиги учун қандай товон тўлашни адолатли деб ҳисоблашини ўрганиб чиқиш ўринли бўлур эди.

Яна нима учун лойиҳани танқид қилмоқдалар? Модомики, дастуримиз йўқ экан, қандай қилиб бозорни жорий қилишимиз равшан эмас, демоқдалар. Бироқ гап шундаки, айни мана шу 7-8 ойлик тайёргарлик даври ҳозирлик кўришимиз учун зарур бўлади. Биз солиқлар ҳақидаги қонунни, монополияга қарши қонунни, омилкорлик ҳақидаги, майда ва ўрта корхоналар тўғрисидаги қонунни, кредит-молия, банк системасига оид, биржа тўғрисидаги, ижтимоий ҳимояланиш ҳақидаги қонунларни қабул қилишимиз керак. Мана шуларнинг ҳаммаси бўлмаса, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бозор учун керакли инфраструктурани яратиш, ижтимоий ҳимояланиш дастурини вужудга келтириш — мана шуларнинг ҳаммаси обдон пухта ўйлаб қўйилиши керак.

Энди бозор эрта ҳам, кеч ҳам эмас, айни шу бугун керак бўлиб қолганлиги ҳақида икки оғиз сўз. Баъзи бировлар энди биз кечикиб қолдик, дейишмоқда. Мен бу фикрга қўшилмайман. Тасаввур қилиб кўринг, биз съездан эндигина ишонч васиқасини олган пайтимиз — 1987 йилда бозор иқтисодиётига ўтишга уринганимизда нималар бўларди? У пайтда умуман бундай қилиб бўлмас эди. Корхоналарнинг кўпчилик қисми ҳали хўжалик ҳисобига ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтмаган эди. Ҳеч нарсани билмай туриб, ҳеч нарсани қилиб кўрмай ва синаб кўрмай туриб дарров бозорга ўтиб бўлармиди, ахир? Бу сиёсатдаги ўтакетган ҳавойиликнинг намунаси бўлур эди. Биз ҳаммамиз сийқа усуллар гирдобидан чиқишимиз, ижара, кооператив, тижорат банки нималигини тушуниб, уқиб олишимиз, агар мулкчилик муносабатларини ўзгартирмасак, иқтисодий турмушнинг янги шакллари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаб етишимиз керак эди. Биз мана шу йўлларнинг ҳаммасидан ўтишимиз лозим эди. Таъна тошларига бардош беришимиз, сабоқлар чиқариб олишимиз лозим эди. Баъзи янгилишишларга йўл қўймаслик мумкин эди. Бунга ишончим комил. Бироқ мана шу йўлнинг ҳаммасини босиб ўтишимиз кераклигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Хўш бозор иқтисодиётига ўтишни кейинга суриб бўлмаслигининг сабаби нима? Сабаби шуки, биз иқтисодиётда тағин ҳам кучлироқ салбий жараёнлар бўсағасида турибмиз. Модомики шундай экан, ижобий тенденцияларга йўл оча оладиган вазиятни ва иқтисодий муҳитни ҳозир вужудга келтириш керак.

Хуллас, бозорга ўтиш пайти белгиланди. Ҳозир хоҳ солиқ системаси, нарх-наво системаси, суғурта механизмлари бўлсин, иқтисодий жараёнларни ва иқтисодий турмуш воқеликларини баббаравар акс эттирадиган соҳалардан биронтасида ўпирилишга йўл қўймай, мақсад сари бутун жабҳа бўйлаб ҳаракат қилиш учун тайёргарлик даврини ўтказиш муҳимдир.

Бир нарсага ишончим комил: иқтисодиётда буйруқбозлик системасига қайтилмайди ва қайтиш мумкин ҳам эмас, келинглар, шу система ҳақидаги бутун ҳақиқатни, ниҳоят халққа айтайлик. Масалан, ресурслар жиҳатидан биз АҚШдан қолишмаймиз. Ҳолбуки, миллий даромад у ерда аҳоли жон бошига икки ҳисса кўп. Бизнинг иқтисодий системамиз шундайки, у миллий ресурсларимизни кемирмоқда. Қолоқликнинг сабаби шунчаки технология соҳасида эмас, инсон ўз меҳнатининг натижаларидан нақадар манфаатдорлигидадир. Инсон учун, ходим учун янги иқтисодий муҳитни яратиб берсак, ўшандагина ресурсларнинг «кемирилиши»га чек қўямиз. Бутун дунё шу йўлдан борган. Кейинги йилларда АҚШ, Япония, бошқа мамлакатларнинг таниқли иқтисодчилари билан учрашиб, мен шунга ишонч ҳосил қилдим. Агар социалистик бозор хўжалигини вужудга келтириш ишини чинакамига авж олдириб юборсак, мана шундай муҳитни ярата оламиз.

Олий Советда ўткир мунозара бўлганини биласизлар. Олий Совет тўғри иш тутаяпти, деб ўйлайман. Менга маълум бўлишича, у ҳукуматнинг концепциясини маълумот учун қабул қилиб, ҳамма масалаларни 1 сентябргача пухта ўйлашни ва уларга аниқлик киритишни, барча мулоҳазаларни эътиборга олиб, амалий ҳаракатлар дастурини белгилашни СССР Министрлар Советига топширишни режалаштирмоқда. Шундан кейингина янгиланган концепция Олий Советнинг комиссияларига тақдим этилади, мана шу комиссиялар бозор иқтисодиётига ўтиладими ёки йўқми, олға бориладими ёки йўқми экани хусусида узил-кесил жавоб беради.

Шу билан бирга бутун тайёргарлик ишини кузгача чўзиш ярамайди: ҳаракат қилиш керак. Мен буни қандай тушунаман? Ҳукумат, Президентлик кенгаши доираларида, Олий Совет доирасида бутун норматив негизни яратиш керак — бу эса жуда катта ҳажмдаги ишдир. Олий Совет ҳам ҳукуматнинг мувақкат схемага оид қарорларини — Олий Совет улгуролмаётган соҳаларда тегишли қонунни қабул қилишга мойиллик билдирмоқда.

Иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари йўли билан имкониятлардан зўр ғайрат билан фойдаланиш, бу йил иқтисодиёт соҳасида имкони борича кўпроқ натижаларга эришиш учун партиявий-сиёсий таъсирни ишга солиш керак. Негиз нақадар яхши бўлса, ўтиш даври қийинчилиги ҳам камроқ бўлишини унутмайлик.

Ниҳоят, сўнггиси. Биз иқтисодий соҳада эмас, балки руҳий соҳада энг катта қийинчиликка дуч келишимиз мумкин, десам, фикримга, албатта, қўшиларсиз. Бу қийинчиликни мен, ҳозирги онгимиз бозор иқтисодиётига мутлақо мос эмас, деган ибора билан ифодалаган бўлур эдим. Ҳа, мутлақо мос эмас! Сиз билан бизнинг онгимиз ҳам, кенг халқ оммасининг онги ҳам мана шундай. Шу сабабли ҳозир, умуман айтганда, энг нозик жиҳат шуки, бизнинг иқтисодиёт соҳасида ўйлаб қўйган режаларимиз ижтимоий онгнинг тайёр эмаслигига, етук эмаслигига бориб тақалмоқда.

Бу соҳада бизга тайёр жамоатчилик фикрини ҳеч ким тортиқ қилмайди. Бу фикр икки йўл билан: турмушнинг янгиланган шаклларини ўзлаштириш йўли билан ва бозорга ўтиш нималигини тушунтириш йўли билан шакллантирилади. Бу босқичда партия кучли иш олиб бориши керак. Чунки бозор бизга шунчаки номигагина керак эмас. Эҳтимол, баъзи бировлар бозор иқтисодиётини қандай қилиб бўлмасин ўтказиб олишни кеча-ю-кундуз ўйлаётган кишилар бор, деб ҳисоблаётгандир. Турмушнинг ўзи бизни шу қадамни қўйишга олиб келганига менинг ишончим комил. Биз бунга қийинчилик билан етиб келдик. Бинобарин, бу — қайта қуришнинг бутун беш йили мобайнида биз қилган барча ишларнинг мантиқий ривожланишидир. Агар биз, охир-оқибатда бозор орқали бошқача натижаларга ва бошқача турмуш даражасига чиқиб олиш учун қудратли воситалар, омиллар бахш этишни ҳақиқатан ҳам хоҳласак, бу йўлдан қайтиб бўлмайди.

Эҳтимол, биз ҳаммамиз вақтинчалик муайян ноқулайликка шай бўлиб туришимиз керакдир. Бироқ, дарҳол шуни айтиб қўймоқчиман. «Войдод!» дейишдан аввал, гап ўзи нимада эканини яхшилаб билиб олингиз, керак бўлса биргаликда суриштириб билиб оламиз. Бу соҳада биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Юқоридагилар пастдагиларга, пастдагилар юқоридагиларга сансалор қилмасликлари керак. Буни мен мутлақо тушунарли, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси нимада? Боиси шундаки, айниқса, шу масъулиятли тарихий босқичда қандайдир муайян юксакликка кўтариб қўйилган кишилар доирасида, ўз орамизда иноқлик бўлмаса, ҳар қандай иш барбод бўлишини очиқ-ойдин айтиб қўя қолай!

Умуман мана шу бозорнинг нима кераги бор? Бу гўё жараёнларни бошқариб бўлмайдиган қилиб қўядиган иқтисодий эркинлик-ку! — деган гаплар айтилмоқда. Бироқ масаланинг илдизини суриштириб, тагига етадиган бўлсангиз, бундай шубҳаланувчи кишиларни иш манфаати эмас, балки шахсий манфаат қизиқтираётганлиги: гўё, улар ҳокимиятдан маҳрум бўлиб, лавозимсиз қоламиз, деб ўйлаётганликлари маълум бўлиб қолади.

Шундай гаплар бўляпти-ми? Бўляпти. Келинглар, бу масалага ҳам аниқлик киритайлик. Биз нималар ҳақида, қайси мақсадлар тўғрисида гапиряпмиз? Бошқа жамиятга ва бошқа турмуш шароитларига олиб борадиган ҳаёт шаклларига чиқиш ҳақидами ёки одамларга қандай наф беришидан қатъи назар, кимнингдир ҳокимиятни шунчаки қўлда сақлаб қолиши ҳақидами?

Йўқ, ўртоқлар. Биз чинакам улуғвор, таг-заминли бурилиш режасини тузганмиз ва шундай қилиш керак. Бутун ақл-заковатимизни шу ишга сарфлашимиз лозим. Бу — партия XXVIII съездидаги марказий масалалардан бири бўлади, деб ўйлайман. Бироқ амалий муҳокама керак, ўртоқлар. Биз ҳаммамиз овоза тарқатишга устамиз. Ҳолбуки, биз ҳозир маҳрумликларсиз олға бориш, бутун жамиятни янги ҳолатга келтириш учун билимимиз, тажрибамизни бойитадиган ҳамма нарсани мисқоллаб тўплашимиз керак.

Энди, ўртоқлар, Россия коммунистларининг бўлажак анжумани муносабати билан бир неча мулоҳаза. Масала — жуда катта ва кўп қиррали. Бу ҳақда В. А. Медведев батафил гапирди.

Ўтган шанба куни КПСС Марказий Комитети Россия бюроси билан барча партия ташкилотларининг вакилларидан иборат тайёргарлик комитетининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Жуда мароқли гурунг бўлди. Мажлисда, конференцияни съездга айлантириш керак, съездни таъсис съезди деб атаб, унда Россия Коммунистик партиясини тузиш лозим, деган фикр жуда аниқ-равшан қилиб айтилди. КПСС Марказий Комитети Россия бюроси билан Россия партия конференцияси тайёргарлик комитетининг илтимосини кенгаш қатнашчиларига айтиб ўтмоқчиман. Афтидан, бу конференция ўзини РСФСР Компартиясининг таъсис съезди, деб белгилайди. Ўртоқлар шу гапни қардош Компартияларнинг раҳбарларига маълум қилишни сўрадилар. Бинобарин, Россияликлар бирон-бир ишни пинхона қилишга гўё уринятилар, деб ҳисобламайман. Йўқ. Аслини олганда, Россия Компартияси мавзуи съездолди мунозарасида доим тилдан тушмай келди. Эндиги масала шундан иборатки, Россия Компартиясининг тузилиши федерацияни мустаҳкамлашга, барча халқларни жипслаштиришга ва, албатта, КПССни ягона партия сифатида мустаҳкамлашга кўмаклашадиган бўлсин.

Россиянинг ҳамма жойида бу ғоя қўллаб-қувватланаётганини айтиб ўтмоқчиман. Айни вақтда кимдир янги вазиятдан фойдаланишга уриниб, КПСС съездидаги делеганларнинг 58 фоизи Россия Компартиясидан бўлса, нима қилишимиз керак, чунки бу съезд аслида битта республика партиясининг съездига айланиб қолмасмикан, ҳамма қарорлар унинг делегатлари қандай овоз беришига боғлиқ бўлмасмикан, бу ўринда демократизм ҳақида қандай гап бўлиши мумкин, деб айтиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Тайёргарлик комитетининг аъзолари, биринчидан, улар бутун КПССнинг роли камситилмай, балки, аксинча ошириши тарафдори эканликларини айтиб қўйишни истайдилар. Шу муносабат билан улар Марказий Комитет раҳбариятидан қуйидагиларни пухта ўйлаб кўришни сўрадилар. Агар РКП тузиладиган бўлса, унинг Марказий Комитетдаги, сайлаб қўйиладиган бошқа органлардаги вакиллиги ва айниқса овоз бериш тартиб-қоидаси батафсил муҳокама қилиниши ва съездга бу хусусда тегишли фикрлар системаси тақдим этилиши керак бўлади. Ҳеч қандай савол-ларга ўрин қолдирмаслик учун бу ҳақда гапиряпман.

Россия коммунистларининг мақсади РКПнинг тузилиши ҳам Россияга, ҳам партияга, ҳам Бутун иттифоққа хизмат қилишдан иборат.

Шу маънода Россия Компартиясига Россиянинг, коммунистларнинг, партиянинг ана шу масъулиятини ва мавқеини тушунадиган кишилар раҳбар қилиб сайланиши бениҳоя муҳимдир. Янги партияни нима деб аташ керак, деган савол пайдо бўлди. Украина Компартияси бор, Белоруссия Компартияси бор. Украина ССР Компартияси дейилмайдику, ахир. Бу ўринда Россия Компартияси, РСФСР Компартияси деган номлар таклиф этилмоқда. Шунчаки Россия федерацияси эмас, балки РСФСР Компартияси дейилмоқда. Ана шу ўзига хосликни илғаб олингиз. Биз мана шу номларнинг ҳаммасини муҳокамага қўямиз, деб ўйлайман. Россияликларнинг ўзлари муҳокама қилсинлар, ўзлари белгилаб олсинлар.

Яна нима дейиш керак? Тайёргарлик комитетининг аъзолари Россия коммунистларининг анжуманини икки босқичда ўтказиш ҳақида келишиб олдилар. Биринчи босқичда — Ҳаракат дастурини, Уставни муҳокама қилиб, съезд томонидан биринчи котибни сайлаб, сўнгра Марказий Комитетни сайлаш ва ана шу раҳбар органлар билан съездга бориш кўзда тутилади. Анжуманнинг иккинчи қисмини эса XXVIII съезддан кейин ўтказиш мўлжалланади, унда XXVIII съезд якунлари асосида ва россияликларнинг вазифалари нуқтаи назаридан янги раҳбарият тайёрлаган доклад муҳокама қилиниб, Россия учун Ҳаракат дастури ишлаб чиқилади. Шундай қилиш тўғри бўлса керак.

Ушбу кенгашда сизлар билан ўртоқлашмоқчи бўлган мулоҳазаларим мана шулар эди.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ СЕССИЯДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Мамлакат ташқи ва ички сиёсатининг энг муҳим масалалари 12 июнь куни СССР Олий Совети сессиясининг диққат марказида бўлди. Келишувга ва парламентнинг иш жадвалига мувофиқ, Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида М. С. Горбачев СССР Президентининг Канада ва АҚШга давлат ташрифи якунлари ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети кенгашнинг натижалари тўғрисида ахборот бериш учун сўзга чиқди.

СССР Президенти халқ депутатларининг саволларига жавоб бергандан сўнг раислик қилувчи А. И. Лукьянов Халқаро ишлар комитетининг раиси А. С. Дзасоховга сўз беради. Депутат Президентнинг ташқи сиёсатнинг энг муҳим соҳаларидан бири юзасидан Олий Советга батафсил ахборот бериш тўғрисидаги қарорига баҳо бериб бундай учрашувлар яхши анъана бўлиб қолади, деб ишонч билдирди. Бу учрашув, деб таъкидлади нотиқ, қайта қуриш заминида вужудга келган парламент Совет давлатининг ташқи сиёсатини ҳамда сиёсий ислоҳотлар ва қарор топаётган ҳокимият структураси характерига мос келадиган замонавий муносабатларни ривожлантиришда чинакам иштирокчига айланаётганлигини тасдиқлайди. Унинг фикрича, Олий Совет Президентнинг мамлакат қонун чиқарувчи олий органи билан самарали ҳамкорлигининг тўғри йўлида турибди.

Депутат олий даражадаги Совет—Америка музокараларига тўхталиб, иккала Президентнинг қизғин самарали иши натижасида қуролсизланишга доир ғоят муҳим ва салмоқли программа, шунингдек хўжалик, илмий-техникавий ва савдо соҳаларида битимларнинг катта мажмуаси қабул қилинганини таъкидлади.

Комитетнинг таклифига мувофиқ, парламент Президентнинг АҚШ ва Канадага давлат ташрифи якунларига доир қарор қабул қилди.

Депутатлар Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонунни муҳокама қилишга қайтдилар.

«Новий мир» журналининг бош муҳаррири депутат С. П. Залигин тақдим этилган лойиҳа асосан журналистларнинг ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, унда обуначиларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаганига эътиборни қаратди. Масалан, журнални ёпиб қўйиш учун ким жавобгар бўлади! Қонунда бу саволга жавоб йўқ. Депутатларнинг бу хусусдаги ташвишларини бошқа нотиқлар қўллаб-қувватладилар. СССР Олий Советининг Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонунни кучга киритиш ҳақидаги қарорини қабул қилиш чоғида депутатларнинг бу фикри ҳисобга олинди. Қарорга қўшимча банд киритилди, унда СССР Министрлар Советига 1990 йил давомида ноширлик фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан Олий Советга таклифлар киритишни, матбуот органларининг моддий-техника таъминоти юзасидан, обуначиларни ҳимоя қилишга доир қўшимча тадбирларни ишлаб чиқишни топшириш зарурлиги ҳақида гап боради.

СССР Олий Советининг қарорига мувофиқ Матбуот тўғрисидаги Қонун шу йил 1 августдан кучга киради.

Сўнгра депутатлар ўтган ҳафтада ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Жиноий судлов асосларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги СССР Қонуни лойиҳасини кўриб чиқиш чоғидаги яна бир «қарзларини» тугатдилар. Гап шубҳа қилинган ёки айбланаётган шахсларнинг телефон орқали гапларини эшитишни (олинган ёзувдан далил-исбот сифатида фойдаланишни) қонунлаштирадиган модда тўғрисида бормоқда. Бу модда Иттифоқ Советида овоз бериш чоғида қабул қилинди. Миллатлар Советида эса уни тасдиқлаш учун уч овоз етмай қолди. Мана бугун Келиштириш комиссияси парламент аъзоларининг эътиборига янги вариантни таклиф қилди, унда ана шу тадбир кўзда тутилади, лекин фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, шунингдек уларнинг қонунни бузганлик учун жавобгарлиги билан боғлиқ жиҳатлар пухтароқ ишлаб чиқилган.

Оғир жиноят қилганлик учун жиноий иш қўзғатилган тақдирдагина фақат прокурорнинг рухсати ёки суд қарори билан телефон орқали гапларни эшитишга йўл қўйилади. Янги қонун Келиштириш комиссияси таклиф этган тузатишлар ҳисобга олиниб, овозга қўйилди ва парламент томонидан қабул қилинди.

Ю. БЕРСЕНЕВ,
Л. ЕРМАКОВА,
ТАСС мухбирлари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг АҚШ ва Канадага ташрифлари тўғрисида

СССР Олий Совети:

Олий даражадаги Совет—Америка учрашуви Европа ва жаҳондаги теран ижобий ўзгаришлар жараёнида жуда катта воқеа эканини таъкидлайди. Икки давлатнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги бир қанча амалий тадбирларда ўз ифодасини топди. Бу йил СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ядро қуролларини 50 фоиз қисқартиш тўғрисидаги шартномани ва шу йилнинг ўзидаёқ — олий даражадаги Умумевропа учрашувида — Европада оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш ҳақидаги шартномани ҳамда Совет—Америка савдо битимини имзолаш учун шарт-шароит яратилганлиги принципиал аҳамиятга моликдир. Учрашув муҳити, мазмуни ва унинг қандай тусда ўтганлиги инсониятнинг «Совуқ уруш»дан қолган ҳарбий ва руҳий меросни тугатиш орзусини ўзида мужассамлаштирган янгича тафаккур сиёсатининг ҳаётийлигини тасдиқлади. Совет—Америка муносабатларида икки мамлакат халқлари ва жаҳон ҳамжамияти манфаатларини кўзлаб, ҳамкорлик ва шерикчилик қилишга асосланган сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш истиқболи очилмоқда;

СССР Олий Советининг комитетларига ва унинг палаталари комиссияларига Совет—Америка битимлари ва аҳдномаларининг ўз ваколатларига тааллуқли жиҳатларини таҳлил этишни, улар хусусида тегишли қарорлар қабул қилишни ва уларни амалда рўёбга чиқаришда мадад беришни топширади.

Олий даражадаги учрашувда вужудга келтирилган янги имкониятлар асосида АҚШ ва Канада билан парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилсин.

СССР Олий Совети имзоланган Совет—Америка ва Совет—Канада битимлари, бошқа ҳужжатлар ва баёнотлар замиридаги ҳамма нарсани совет кишилари фойдасига ва соғлом халқаро алоқаларни ривожлантиришга ўз вақтида, билимдонлик билан амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни СССР Министрлар Советига, тегишли министрликлар ва идораларга топширади, корхоналарга, бирлашмаларга ва ташкилотларга тавсия қилади.

СССР Олий Совети СССРнинг халқаро майдондаги алоқаларда тағин ҳам фаолроқ иштирок этиши манфаатларини кўзлаб, СССР билан АҚШ ўртасида, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамда гуманитар соҳаларидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини қарор топтириш ва ривожлантиришни ёқлайди.

СССР Олий Совети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 7 июнда Москвада қабул қилинган ва ҳарбий қарамақарши туришни, хавфсизликнинг блоклар моделини бартараф этишга, Хельсинки жараёнини янада ривожлантиришга қаратилган декларациясига Шимолий Атлантика уюшмаси худди шундай жавоб қилади, деб умид билдиради. Иккала уюшмани ўзгартириш ва уларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш Умумевропа хавфсизлигининг янги структурасини барпо этишда, Европа жараёнини уйғунлаштиришда ва Германияни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган, ўтиш даврининг бошқа масалаларини келишиб олишга, ягона Германиянинг ҳарбий-сиёсий мақомини аниқлаш юзасидан ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқишга кўмаклашган бўлур эди.

СССР Олий Совети Варшава Шартномасининг характери, вазифалари ва фаолиятини қайта кўриб чиқадиган ҳукумат вакиллари муваққат комиссиясидаги совет номаяндаларининг ҳисоботларини ўзининг кузги сессиясида тинглашини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ

Москва, Кремль. 1990 йил 12 июнь.

Мамлакат деҳқонлари бирлашмоқдалар

СССР Деҳқонлар уюшмасининг таъсис мажлиси 11 июнь куни Москвада иш бошлади.

Унинг кун тартибидаги асосий масала — деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган янги Бутуниттифоқ ижтимоий-сиёсий ташкилотни тузишдан иборат.

Съезд ишида М. С. Горбачев, А. И. Лукьянов, Н. И. Рижков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Маслюков, Е. С. Строев қатнашмоқдалар.

Съезд ташкилот комитетининг раиси, Бутуниттифоқ колхозлар кенгашининг раиси И. И. Кухарь иқтисодиётнинг кўп қирралилиги ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шароитида аграр секторни янгилаш йўллари ҳақида маъруза қилди.

Сўнгра СССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, Министрлар Кенгаши Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин қўшимча маъруза қилди.

* * *

12 июнь куни Москвада янги Бутуниттифоқ ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг таъсис съездида СССР Деҳқонлар ую

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига шарҳлар

● Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасида, съезд материалларида республиканинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга оид аниқ-равшан амалий йўналишлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сўзда эмас, балки амалда чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш орқали халқ фаровонлигини ошириш, унинг турмуш даражасини ўстириш мумкинлигини аниқ англаб турибди.

Айни пайтда партия ана шу мақсадга эришиш йўли шунчаки ҳужжатлар ва баёнотларда эмас, балки конкрет қадамларда эканлигини аниқ-равшан кўриб турибди.

Бу йўл машаққатлидир. Энг аввало, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов неча бор таъкидлаганидек, фақат иқтисодий мустақиллик, жумҳурият етиштираётган барча нарсаларга эгалик қилишгина унинг халқи фаровонлигига хизмат қилади. Фақат шугина ҳар бир алоҳида оила ва умуман бутун халқ фаровонлигини оширишга имкон беради.

Шу пайтгача жумҳуриятда етиштирилаётган хом ашёнинг пахта толаси, каноп толаси, кимёвий тола, пилла, ипак, чарм ва мўйна хом ашёси, барча турдаги газламалар, табиий жун каби асосий турлари ва бошқа маҳсулотларни тақсимлаш иттифоқ идоралари шуғулланиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда халқ хўжалигининг шундай структураси таркиб топдики, ҳар бир корхона технология изчиллигини ҳисобга олмай ва энг муҳими, жумҳурият манфаатларини ҳисобга олмай ўз маҳсулотини гарчи уни ўзимизда қайта ишлаш мумкин бўлсада, жумҳуриятдан ташқарига юбормоқда.

Асосан иттифоқ идораларининг тақсимлашига кўра республикада етиштирилаётган пахта толасининг 87,5 фоизи, қоракўл терининг 88,5 фоизи, табиий жуннинг 70,5 фоизи, синтетик толанинг 92,9 фоизи, пилла ва бошқа хом ашёнинг 11,6 фоизи мамлакатнинг бошқа регионларига ва четга чиқарилмоқда. Айни пайтда жумҳурият саноатининг эҳтиёжлари кўпинча таъминланмаётганлигига қарамай шундай қилинмоқда.

6 та ташкилот — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Моддий-техника таъминоти бошқармаси, «Узтекстильторг», «Средазхлопкосбит», «Шелк» республика ишлаб чиқариш бошқармаси, «Каракуль» республика хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси ва «Новоэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси Ўрта Осиё идораси истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама узвий боғламай туриб енгил саноатнинг хом ашё ресурсларини тақсимлаш ва сотиш ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб китоб қилиш билан шуғулланиб келдилар. Улар тарқоқ ҳолда иш олиб бордилар, республика манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан етарли чоралар кўрмадилар, маҳсулот айирбошлашнинг эквивалентлигини назорат қилмадилар.

Ана шу энг муҳим хом ашё ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ва жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотларини таъминоти ҳамда уларни сотиш Бош бошқармаси (Узглавлегснабсбит)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ана шу бошқарма зиммасига Ўзбекистон ССРда етиштирилаётган пахта толаси ва линт, пилла, табиий ипак, катта ва кичик чарм хом ашё, қоракўл тери, пўстин ва мўйна каби хом ашёнинг бутун ҳажми юзасидан республика ичкарисига, мамлакатнинг бошқа регионларига маҳсулот етказиб бериш ва чет мамлакатларга экспорт қилиш учун шартномалар тузиш вазифаси юкланади.

У шунингдек балансларни ишлаб чиқишни, режалаштиришни, республикадаги барча истеъмолчилар учун ўз номенклатураси бўйича моддий ресурсларни иттифоқ идораларида ҳимоя қилишни амалга оширади, фонд эгаси ҳисобланади, ҳом ашёни, материалларни ва Ўзбекистон корхоналарида тайёрланган тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил этади. Ушбу моддий ресурсларнинг турлари юзасидан республика ярмаркаларини ўтказади ва республикаларо ярмаркаларда регион манфаатларини ҳимоя қилади.

Маълумки, пахта, ипак, қоракўл ва бошқа хом ашё турлари ҳамда тайёр маҳсулотлар жаҳон бозорида ғоят харидоргирдир. Бу республиканинг экспорт бўйича мамлакатда етакчи ўрин лардан бирини эгаллашини белгилаб беради.

Катта моддий ва меҳнат ресурслари, географик жиҳатдан қулай жойлашганлик, асрлар давомида шаклланган жаҳоннинг кўпгина регионлари билан анъанавий маданий ва савдо алоқалари ҳам шунга кўмаклашади.

Айни пайтда ташқи иқтисодий муносабатларни халқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ғоят муҳим омилига айлантириш юзасидан улкан имкониятларга эга бўлингани ҳолда республикада ҳозиргача мавжуд бўлган бошқарув структурасида кутилган натижаларга эришишга муваффақ бўлинмади.

Яқин вақтларгача амал қилиб келган ташқи савдо ва ташқи иқтисодий фаолиятни монополиялаштириш республикага бу масалаларни мустақил ҳал этиш ва ташқи бозорга чиқиш имконини бермай келди.

Буларнинг ҳаммаси ихтисослаштирилган идора — Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети тузилишини қатъий зарурат қилиб қўйди.

Бу комитет зиммасига республика манфаатларини кўзлаб ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш, ташқи алоқалар қатнашчилари фаолиятини назорат қилиш, давлат режалари ва республика ҳукумати топшириқларини бажариш, чет мамлакатлар билан ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, шу жумладан хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари ташкил этиш, ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туристик ва бошқа алоқаларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди. Комитет Совет Иттифоқида ва чет элларда Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади.

Комитет Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки, божхона хизмати билан ҳамкорликни амалга оширади, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини рўйхатга олади, экспорт ва импорт лицензияларини беради, таркиб вужудга келаётган вазият ва талабни ҳисобга олиб, барча товарларни олиб чиқиб кетиш (олиб келиш)га тақиқни жорий этади ва бекор қилади.

Ушбу тадбирларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонга яқин вақт ичида жаҳон бозорига тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида чиқишига ва ташқи иқтисодий алоқаларни республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қудратли омилига айлантириш имконини беради.

● Ўзбекистон ССР Президенти Фармонларининг қабул қилиниши — жумҳуриятда унинг иқтисодий мустақилликка эришишини таъминлайдиган давлат структуралари (министрликлар, идоралар, бошқармалар) ташкил этиш йўлидаги дастлабки амалий қадамлардир.

Ҳафиз ҒАНИЕВ

Дастлабки ўзбек пўлат эритувчиларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1947 йилдан КПСС аъзоси Ҳафиз Ғаниев оғир ва узоқ давом этган касалликдан кейин 1990 йил 12 июнь куни 64 ёшида вафот этди.

Уруш йилларида Ҳ. Ғаниев Уралдаги заводлардан бирига ўқишга юборилган эди, шундан кейин Ўзбекистонга қайтгач, жумҳурият қора металлургиясининг тўнғич корхонаси — Ўзбекистон металлургия заводи қурилишида, сўнгра шу ерда дастлабки пўлатни қуйишда иштирок этди. Ҳ. Ғаниевнинг бутун ҳаёти ана шу корхона билан боғлиқ бўлди. У ўз ишининг усталари бўлган пўлат эритувчиларнинг катта авлодини тарбиялади, туб аҳоли вакилларидан малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

Ҳ. Ғаниев корхона касаба уюшмаси комитетининг раиси, партия комитетининг аъзоси этиб сайланди, меҳнат ва кадрлар масалалари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади, Бекобод шаҳри Тошкент вилояти Ўзбекистон ССРнинг сайлаб қўйиладиган партия, совет ва касаба уюшмалари органлари таркибига кирди, меҳнат жамоасида, жумҳурият меҳнаткашлари орасида катта ҳурмат ва обрў қозонди.

Ватан Ҳ. Ғаниевнинг шавкатли меҳнатини муносиб баҳолаб, уни «Урок ва Болга» олтин медали, Ленин ордени ва Қизил юлдуз ордени, кўпгина медаллар билан тақдирлади. Ҳ. Ғаниев — СССР фахрий металлургидир.

Ажойиб меҳнаткаш ва коммунистнинг ёркин хотираси халқ қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Д. Д. Берков, А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, А. И. Икромов, Ҳ. А. Исамуҳамедов, С. Мамарасулов, Р. Маматова, Ш. Р. Мирсандов, С. Д. Ниетуллаев, Р. А. Попов, Ж. Ҳамидов, А. И. Фозилбеков, Ш. М. Йўлдошев, Ҳ. А. Алимова, Э. М. Рўзиев, А. М. Анохин, Н. Р. Юсупов, М. Д. Жамолдинов.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Буюк аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда, жумладан, бундай дейилади: жаҳон маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек (Мирзо Улуғбек)нинг 600 йиллиги юбилейига пухта тайёргарлик кўриш ва 1994 йил мартида уни муваффақиятли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

Ўрта Осиёнинг буюк олими — фалакиётчи ва риёзиётчи Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги мамлакат, регион ва жумҳуриятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги катта воқеа сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан келишиб тузилган юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жумҳурият ташкилот комитети тасдиқлансин.

Жумҳурият ташкилот комитетига Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда Улуғбек юбилейини ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Жумҳурият ташкилот комитетига, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига 1994 йилнинг январь-март ойларида Самарқанд, Тошкент ва Москва шаҳарларида илмий жамоатчилик ва меҳнаткашларнинг тантанали мажлисларини ўтказиш, шунингдек Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган илмий анжуман ўтказиш, бу тадбирларни министрликлар ва идораларнинг ана шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобидан амалга ошириш топширилди.

Мазкур тадбирларни жумҳурият, Бутуниттифоқ ва халқаро, илмий ҳамда илмий-техника кенгашлари, конференциялари, съездлари, симпозиумлари ва семинарлари режаларига киритиш, Мирзо Улуғбек юбилейини ўтказиш тўғрисидаги масалани ЮНЕСКО планига киритишни, шунингдек 1994 йилда юбилей тангасини чиқаришни, СССР Фанлар Академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этишни белгиланган тартибда 1990 йил охиригача ҳал қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 1994 йилгача бўлган даврда Улуғбек музейининг янги биносини қуриш ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида Улуғбек мадрасаларида таъмирлаш-тиклаш ишлари билан бир вақтда ана шу мақсадларга ҳар йили ажратиладиган маблағ ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонасини таъмирлаш-консервациялаш ишларини бажариш;

1991 йил 1 январга қадар Ўзбекистон меъморлар ва рассомлар уюшмалари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда Тошкент шаҳрида Улуғбек ҳайкалини бунёд этишга конкурс шартларини ишлаб чиқиш ва бундай конкурсни эълон қилиш;

1991 йил 1 сентябргача Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги бадиий ва телевизион фильмларнинг энг яхши сценарийлари учун конкурс ўтказиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети билан биргаликда Мирзо Улуғбек асарларини, шунингдек унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган совет олимлари ва хорижий олимлар китоблари туркумини ўзбек ва рус тилларида 1990—1992 йилларда нашрга тайёрлаш ва 1993—1994 йилларда белгиланган тартибда нашр этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига Улуғбекнинг ҳамда унинг мактабига мансуб олимларнинг чет эл хазиналарида сақланаётган асарлари асл нусхаларини (микрофильмларни) аниқлаш ва сотиб олиш ишларини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлигига, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига Самарқанд вилоят ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан, шунингдек барча манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1991—1994 йилларда Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча молиявий хўжалик масалаларини ҳал этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, Ўзбекистон Ахборот агентлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, газета ва журналларнинг редакцияларига буюк олимнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кенг маърифий ишларни амалга ошириш топширилди.

Жумҳурият ташкилот комитетига юбилейни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётганлигини ҳар ярим йилда камида бир марта кўриб чиқиш тавсия этилди.

Безиён бўлса

Саратон ойлари, айни пишиқчилик палласи бошланмоқда. Дастурхонларимиз янада кўркамлашиб боряпти. Эртаки картошка, помидор, карам, бодринг каби сабзавотлар пишиб етиляпти. Бозор расталари ва магазин пештахталари табиат неъматлари билан тўлиб борияпти. Лекин етиштирилаётган сабзавот инсон саломатлигига безиёнми? Уларнинг таркибида саломатлик учун зарарли кимёвий моддалар миқдори маромидами? Мухбиримиз область давлат санитария бош врачи Н. РАҲИМОВ билан учрашиб, шу ҳақда суҳбатлашди.

— Насим Раҳимович, эртаки сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳар ким ҳар хил йўл билан етиштиради. Баъзилар парникда ёки боғорда плёнка остида, яна айрим кишилар эса кимёвий ўғитларга зўр бериш билан мақсадга эришади. Маълумки, кимёвий ўғитлар ёрдамида етиштирилган маҳсулотлар саломатлик учун кони зиён. Бу борада область санитария врачлари томонидан назорат қилиб бориш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Вилоятимизда давлат санитария назорати органлари томонидан полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришда ишлатиладиган кимёвий ўғитларнинг кўп-озлиги доимий назорат қилиб турилади. Ҳозирги кунда областимизда ана шу мақсадда бешта лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Юмушларни тез ва соз амалга ошириш учун полиз, сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи жойларда, совхоз бозорлари қошида лабораториялар ташкил этилган. Йил давомида ўтказиладиган текширишлар натижалари айни кунларда етиштирилиб савдога чиқарилаётган ноз-неъматларнинг таркибида нитрат қолдиқлари белгиланган маромдан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Тўрақўрғон, Норин районлари ва Наманган шаҳрида ўтказилган текширишлар якунига кўра, барча сабзавот ва полиз маҳсулотларининг қарийб 34,5 фоизи истеъмол учун яроқсиз деб топилди. Бу мисолларга аниқлик киритадиган бўлсак, Наманган районининг Ленин номли колхозида етиштирилган карамни Тўрақўрғон район совхоз бозорида М. Назарова томонидан сотилаётганда текширилган ва маҳсулот таркибида нитрат кўп эканлиги аниқланган. Яна бир килограмм карам таркибидаги ана шу модда 300 миллиграмм ўрнига 2840 миллиграмм ёки мўлжалдагидан 7,2 марта кўп экани маълум бўлди. Шунингдек, Фарғона область Олтиариқ районининг Ленин номли колхозида етиштирилган ва Норин район колхоз бозорида сотилаётган бодрингда зарарли моддаларнинг миқдори меъёридан 8 марта ортиқлиги аниқланди. Бундан ташқари, сотувга олиб чиқилган картошка ва бошқа ноз-неъматларда саломатлик учун зарарли моддалар кам эмас.

— Маълумки, яқинда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат бош санитария врачининг «Ўзбекистонда полиз, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштиришда аммиакли селитрани ишлатишни таъқиқлаш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Бу қарор вилоятда қандай бажарилмоқда?

— Бу қарорни амалда қўлланишга ҳаракат қиляпмиз. У вилоят қишлоқ саноати бирлашмаси, савдо бошқармаси ҳамда савдо кооперацияси каби мутасаддилар ташкилотларга етказилди. Чунки қарорда полиз маҳсулотларига ажратилган нитрат моддаси ишлатиш маромини икки марта камайтириш лозимлиги таъкидланган. Аммиакли селитрани очиқ савдодан олиш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда таъқиқлаш ҳамда лаборатория текшириш ишларини кучайтиришда масъул бўлган мутасадди ташкилотлар билан биргаликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● ТОШКЕНТ. «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари халқимиз анъаналарини давом эттириб, бежирим кийим-кечаклар тикишмоқда. Маҳсулот сифати учун кураш меҳнатчиларнинг бош шиорига айланган. Суратда: М. Низомхўжаева етакчилигидаги бригада аъзолари иш устида.

Суратқаш Р. ШАРИПОВ.

Пилламиз—тилламиз

ЗАФАР ҚУЧИШДИ

● ЖИЗЗАХ вилояти пиллакорлари учун бу йил қувончли келди. Улар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, йиллик пилла тайёрлаш режасини ва мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар. Она-Ватан хирмонига 411 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Ҳар бир қути қурт уруғидан 60 килограммдан «кумуш тола» олинди.

Бу меҳнат муваффақиятига Жиззах, Пахтакор, Октябрь, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Зарбдор, Зомин районларининг пиллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Жиззах районидаги «Москва», Ленин номли, Улуғбек номли, Пахтакор районидаги Кичанов номли, «Пахтакор», Октябрь районидаги Охунбоев номли, С. Раҳимов номли, Дўстлик районидаги Ленин номли, М. Дадажонов номли, Арнасой районидаги Конев номли, Тимошенко номли, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон», С. Сегизбоев номли, Зомин районидаги «Ленинград», «Прогресс», Зарбдор районидаги «Андижон», «Партия XXV съезди» совхозларининг пиллакорлари ҳам катта ютуқларга эришишди. Улар ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 70—80 килограммдан ҳосил олишди.

Вилоятдаги кўпгина бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлди. Масалан, Эргаш Қосимов, Тожибуви Маманазарова, Ҳабибулло Камолов, Муяссар Бобожонова, Мавлуда Шарипова, Зуҳрахон Диёрова, Гулсора Алиқулова, Кимёхон Ўтанова, Карим Усмонов етакчилигидаги коллективлар ҳар бир қути қурт уруғидан 75—80 килограммдан хом ашё етиштиришди. Айниқса, Гулсора Тиркашева, Бўстон Мирзабекова, Хатира Алиқулова, Ханифа Абдуллаева Фотима Шарипова, Гулсора Раҳмонова, Дилфуза Райимбердиева, Шарофат Ҳамидова сингари пиллакорлар ҳосилдорликни 100—110 килограммга етказдилар.

Айни кунларда вилоят хўжаликларида пилла тайёрлаш ҳамон давом этмоқда. «Кумуш тола» ижодкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи хирмонни 462 тоннага етказишни мўлжалламоқдалар.

● Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятн пиллакорлари ҳам зафар манзилига етиб келишди. Улар давлат қабул пунктларига режадаги 750 тонна ўрнига 813,4 тонна сифатли пилла етказиб беришди. Ҳар бир қути ипак қуртидан 56 килограммдан ҳосил олинди. Йиллик план 108,6 фоизга уддаланди.

Бу ғалаба ўзидан-ўзи келгани йўқ. Серёмғир келган бу йилги шароитда ипак қурти парваришн алоҳида масъулият билан амалга оширилди. Пиллачилик звеноларн кўмир, психометр, темир сўкчаклар билан таъминланди. Энг муҳими минглаб пиллакорлар астойдил меҳнат қилишди.

Эришилган бу ғалабага Амударё районн «кумуш тола» ижодкорлари муносиб ҳисса қўшишди. Улар 4749 қути ипак қуртини меҳр билан парваришлаб давлатга режадаги 250 тонна ўрнига 266,4 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бердилар. Тўртқўлликлар режадаги 170 тонна ўрнига 181,6 тонна, эллиққалъаликлар режадаги 150 тонна ўрнига 158,7 тонна, берунийликлар 140 тонна ўрнига 156,2 тонна, хўжайлиликлар 40 тонна ўрнига 515 тонна «кумуш тола» топширибб, йиллик маррани ортиғи билан адо этдилар.

Кўплаб хўжаликлар ҳосилдорликни ўтган йилгига нисбатан анча кўтардилар. Жумладан, Тўрткўл районидаги «Ленинизм» колхози пиллакорлари бу йил 300 қути ипак қуртини парваришлаб, ҳар бир қутидан 62 килограммдан дурдона йиғиштириб олишди. Натижада режадаги 14,5 тонна ўрнига 18,5 тонна пилла топширилиб, йиллик план 127,5 фоизга уддаланди. Дармон Ҳайитова бошлиқ звено бир ярим қути ипак қуртидан 104 килограмм пилла топширди. Шу райондаги Энгельс номли колхоз 12,8 тонна хом ашё етиштирди. Шу колхоз аъзоси Ўғилжаҳон Қурбонова эса икки қути ипак қуртини парваришлаб 145 килограмм дурдона топширди. Беруний районидаги «Правда» колхози ҳар бир қути қурт уруғидан 65,5 килограмм ҳосил кўтарган бўлса, шу хўжалик аъзоси Ханифа Жабборова икки қути қурт уруғидан 164 килограмм ҳосил топширди. яъни ҳосилдорлик 82 килограммни ташкил этди. Феруза Турдибоева эса 2,5 қути қурт уруғидан 238 килограмм хом ашё топширибб, ҳосилдорликни 95 килограммга етказди.

Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхози коллективи давлатга 13,7 тонна пилла топширди. Ҳосилдорлик 60 килограммни ташкил этди. Шу хўжалик пиллакори Ҳалима Шержонова эса икки қути қурт уруғидан 145 килограмм дурдона йиғиштирди.

План бажарилган бўлса ҳам пиллакорлар ҳали теримни давом эттирмоқдалар. Уларнинг нияти — мажбуриятни ҳам ошириб бажариш.

...Ўрта Осиё диёримизда яна гуноҳсиз одамларнинг қони тўкилди. Ўш воқеалари бутун мамлакатни ларзага солди. Оналар, бевалар, фарзандлар зор йиғламоқда.

139 киши ўлдирилди, 486 киши жароҳатланди, юзлаб уйларга ўт қўйилди — миллатлараро негиздаги можаронинг оқибати ана шундай. Ҳеч бир гуноҳсиз кишиларнинг тақдири билан ўйнашаётган телбаликнинг оқибати ана шундай.

Аммо бундай телбаларча адоватни кимлар бошлади, кимлар авж олдирмоқда ёки яна ишга солиши мумкин? — деган савол туғилади. Можароларнинг дастлабки сабаби нимада? Балки, ҳақиқатан ҳам бир челак «қўлупнай», жанжалкаш ўсмир, ер участкаси, талашилган сувмикин? Ёки унинг бутун сабаби — тобора кучайиб бораётган пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий бесаранжомлик, дўкон пештахталарининг бўшаб қолганлигимикин? Ҳозирги кунлардаги таҳлинали ҳодисаларга ана шундай ҳолатлар ҳам сабаб бўлаётганлигига шубҳа йўқ. Бундай ҳолатлар халқ қаҳрғазабининг қақшатқич зарба бера оладиган қудрати яширинган даҳшатли кучни юзага келтирмоқда.

Бироқ бу куч ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди? Уни кимлардир ихтиёрий ёки беихтиёр, онгли ёки онгсиз равишда ҳаракатга келтирмоқда.

Улар аниқ кимлар эканлиги тўғрисидаги саволга ички ишлар органлари жавоб қайтаради. Ички ишлар органлари ҳозир синчковлик билан иш бошлади. Содир бўлган ҳолатларни тергов қилишга марказдан 150 дан ортиқ тажрибали ва малакали терговчи жалб этилди. Биз улар ана шу фожианинг сабаби нимада эканлигини аниқлашларига, асрлар давомида бир-бири билан уруғ-аймоқ бўлиб кетган икки тинч халқни гиж-гижлаш қўл келаётган кимсаларни номма-ном айтишларига ишонамиз.

Биз одил судлов органларидан ҳақиқатни кутамиз. Биз бу гал Ўшда ҳам, Бўкада ҳам, Паркентда ҳам, Фарғонада ҳам рўй берган қонли воқеалар сабабини аниқлаб олиш имконини берадиган калаванинг учини топадилар, деб умид қиламиз.

Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса равшанки, бу воқеаларнинг замирида бугунги кунда ошкора, рўйрост, тап тортмай ҳокимиятни эгаллашга уринаётган кимсалар бор. Кимлар КПССга, партия органларига ва Советларга очиқдан-очиқ ҳужум қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги аҳолига таниш норасмий ҳаракатлар билан ниқобланганлар. Кўпчилиги ўзларини миллий руҳнинг соқчилари қилиб кўрсатмоқдалар. Кўпчилиги ўзларини ёшларнинг сиёсий муддаоларини юзага чиқарди. Улар ҳокимият учун, ўз таъсирини кучайтириш учун курашни авж олдириб юбордилар. Улар халқ қаҳр-ғазабини жунбушга келтирдилар.

Ўшдаги воқеаларнинг сабаблари ва оқибатларини Чингиз Айтматов ҳам ана шундай талқин этмоқда. Биз унинг ақл-идроки ва фаҳмига ишонамиз.

Ҳозирги мамлакат учун, жумҳурият учун мушкул вазиятда «сиёсат билан ўйнашиб», сиёсий ҳокимиятни эгаллашга уринаётган, осонлик билан сиёсий обрў қозонишни истаётган кимсаларга шундай савол бериш керак бўлади: агар сизлар ҳақиқатан ҳам сиёсий арбоблар бўлсангиз, ўзларингиз ўйламай нетмай қилган хатти-ҳаракатларингиз оқибатларини англяпсизми? Сизларнинг ном чиқаришингиз қочоқларга, уйи куйган одамларга, майиб-мажруҳ бўлганларга азоб-уқубат, ғам-андуҳ келтираётганлигини англяпсизми!?

Бу йўлдан қайтинг, нафсониятингизни тийинг, халқни унутманг! — деймиз. Ким кимлигини вақтнинг ўзи кўрсатади, — деймиз.

Ф. САЛИМОВ.

СИЁСАТМИ ЁКИ ЎТ БИЛАН ЎЙНАШИШМИ?

• Закийлар маҳфили

● Муҳтарам газетхонлар, кишининг маънавий тараққиёти учун расмий мактаб ва дарсхоналардан ташқари чойхона ва хонадонларда уюштириладиган маҳфил, яъни дийдору суҳбат давраларининг аҳамияти улуғдир. Бундай маҳфил жўраларн турли илму ҳунар ва касбу корга мансуб закий кишилардан иборат бўлса, буларнинг ҳар бир мажлиси эл файзига файз қўшади. Мана шуни ҳисобга олиб биз рўзномамиз воситасида сизлар билан бир маҳфия уюштиришни маъқул топдик.

Ота-боболаримизда мавжуд бўлган ва уларнинг гап, гурунг, тўкма ва базмларида оммавийлашадиган закийлик ўзимиздан ва фарзандларимиздан зойил бўлмаслиги учун маҳфилимизга закийликни асосий мавзу қилиб олдик. Бинобарин, бу мажлисни «Закийлар маҳфили» деб атаб, уни баён этишни тилшунос Алибек РУСТАМОВга топширдик.

МАНТИҚ—МАШЪАЛА

Жўрабоши — Ассалому алайкум! Бугунги суҳбатни «закий» сўзига оид маълумот билан бошлаймиз.

Қани, домла, сўз сизга!

Домла — «Закий» шаклига эга бўлган иккита сўз бор. Эски ёзувимизда буларнинг бирининг «з»си зе ҳарфи билан, иккинчисиники зол билан ёзилади. Буларнинг жаъми, яъни кўплик сийғаси «азкийо» шаклида, масдари, яъни бош сийғаси «зако» шаклидадир. Зе билан ёзиладиган «зако» ўсиш, тузалиш ва покланиш, мусаффо бўлиш, «закий» тузук, эзгу, гуноҳдан пок, «азкийо» закийлар дегани. Мазкур «зако»га алоқадор ўсиши яхши, ўсувчан деган маънодаги ва кўплиги «зуко» бўлган сўз ҳам бор. Бугунги ўзбекчада «зукко» шаклида ишлатилаётган сўз мана шу «зуко» сўзининг шаклан ва маънан ўзгарган шаклидир. Шаклий ўзгариш «к»нинг иккиланганлигидир. Маънодаги ўзгариш жисму тан ўсишини ақлий ўсишга ҳам кўчирилганидир. Ўсиши яхши ва дуркун болаларни назарда тутиб «Булар болаларимизнинг зукоси» десак, мазкур сўзни асил шакли ва бирламчи маносида қўллаган бўламиз. Агар зеҳни ўткир кишини «бу зукко чол» десак, унда «зуко» сўзини ҳам товуш, ҳам сийға, ҳам маъно жиҳатдан ўзгарган ҳолда ишлатган бўламиз. Сўзни бундай қўллаш оммалашганлиги учун хато ҳисобланмайди. Аммо бу ҳолда «зукко» ўрнида «закий» сўзидан фойдаланса, қуйидаги сабабларга кўра жумла адабийроқ туса эга бўлади:

Зол ҳарфи билан ёзиладиган «зако» зийраклик, яъни зеҳн ўткирлиги, «закий», зийрак, зеҳни ўткир дегани. «Заковат» сўзи ҳам ушбу «зако» ва «закий» билан ўзакдош бўлиб, закийлик деган маънодадир.

Жўрабоши — Бизнинг маҳфилимизнинг номида «зукколар» сўзи ишлатилмай, «закийлар» сўзининг қўлланганлигининг боиси ҳам шунда.

Домла — Зе ҳарфи билан ёзиладиган «зако»га алоқадор «тазкийя» деган сўз ҳам бор. Бунинг битта «й»си кўпинча тушиб қолиб, «тазкийя» шаклида ишлатилади. Шоирлар вазн талабига қараб ҳар икки шаклдан ҳам фойдаланадилар. Луғавий маъноси ортиқчасидан ориғ, яъни пок қилиш бўлган бу сўз истилоҳий маънода қўллаганда шариатда закот беришни, қазоватда гувоҳнинг гувоҳлигини қабул қилишни, ахлоқда ҳулқни тузатишни, тасаввуфда кўнгулдан маъшуқ ишқидан ўзга нарсаларнинг ҳаммасини чиқариб ташлашни билдиради.

Савол — Баъзан варзиш, яъни спорт шарҳловчиларининг оғзидан «қиличбозлар баҳси» ёки «беллашуви» «парашютчилар баҳси» ёки «авиомоделчилар беллашуви» каби ибораларни эшитиш мумкин. Шу тўғрими?

Жавоб — «Беллашув»ни кўчма маънода ишлаб чиқаришда мусобақалашаётган икки шахсга нисбатан ишлатиш мумкин. Агар уларнинг иши жисмоний кучч талаб қиладиган касб бўлса, жуда ўринли бўлади. Аммо «шоҳмотчилар беллашдилар» дейиш тўғри бўлмайди. Чунки шоҳмотга бел кучи керак эмас. Бинобарин, «шоҳмотчилар беллашдилар» деган гапдан улар шоҳмотни қўйиб Фарғонача, яъни бел ушлашиб курашдилар, деган мазмун чиқади. Агар «улар шоҳмотда беллашдилар» дейилса, шоҳмотбозлик англашилади, лекин барибир жумла айбли бўлади. Баҳс эса оғзаки тортишувдир. Ўзбекчада «қиличбозлар баҳсида фалончи ғалаба қозонди» дейилса, бундан ўша фалончи қиличбозликда эмас, оғзаки олишувда ғалаба қозонипти, деган маъно чиқади. Худди шунингдек «парашютчилар баҳси» дейилса, бундан парашютчилар бир ерга йиғилиб, бирор масала юзасидан мунозара қилишипти, деган фикр туғилади.

«Шоҳмот мусобақаси» деган иборани «шоҳмот ўйини», «шатранж ўйини», «шоҳмотбозлик», «шоҳмот суришиш», «шатранж тортишуви», «шоҳмот олишуви» ва ҳоказо сўзу ибораларлар билан алмашлаб ишлатиш мумкин. Шунча сўз бўлгани ҳолда «баҳс» ёки «беллашмак» сўзидан суиистеъмол қилишга ҳожат йўқ, албатта.

Агар адабий тилга ва лаҳжаларга мурожаат қилсак, керакли маънодош сўзларни кўплаб топишимиз ва улардан ўз нутқимизда самарали фойдаланишимиз мумкин. Масалан, ўзбек адабий тилида ва баъзи шеваларда «мусобақа қилмоқ» феълининг «ёришмоқ» ва «ўзишмоқ» деган маънодошлари бор. «Ёришмоқ» аслида русчадаги «состязаться» феълининг муодилидир.

Бу соҳада тилимизнинг имконияти катта. Чунки ўзбек тилида мусобақа маносини англатувчи махсус қўшимча ҳам бор. Бу «—ш» қўшимчаси бўлиб, уни истаган феъл ва сўзга мусобақа, маносини ифода қилиш мумкин. Масалан, «югуришиш» югуриш мусобақаси, «отишиш» отиш мусобақаси, «сузишиш» сўзиш мусобақаси, «от чопишиш» от пойгаси дегани. Автомобиль мусобақаси маносида «автомусобақа», «автоўзиш», «автопойга», «автоёриш» сўзларини алмашлаб ишлатиш мумкин. Албатта «автомобиль мусобақаси», «автомобиль пойгаси», «автомобиль ёришуви», «автомобиль ҳайдаш» тарзидаги ибораларлар ташқари. Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Бу ўзбек тили нуқтаи назаридан мазкур турдаги ибораларда «бўйича» деган сўзнинг, масалан, «автомобиль мусобақаси бўйича» ёки «шоҳмот биринчилиги бўйича», ёки «югуриш бўйича» деб ишлатилиши ўринсиздир.

Мотоцикл мусобақаси мазмунида шу маънодаги ибораларлардан ташқари «мотомусобақа», «мотоўзиш», «мотопойга», «мотоёриш» сўзларидан фойдаланса бўлади. Худди шунингдек, велосипед мусобақасини «веломусобақа», «велоўзиш», «велопойга» ва «велоёриш» сўзлари билан ифодалаш мумкин. Югуриш мусобақасини халқ тилида «пиёдапойга» ёки «яёпойга», «кимўзди» ва «ўзиш» ҳам дейилади.

Оддий халқ тилида бокс, «муштбозлик», боксчи «муштбоз» дейилади. «Бокс» сўзининг маънодоши сифатида «муштбозлик» сўзини, «боксчи»нинг маънодоши сифатида «муштбоз»ни бемалол ишлатиш мумкин. Бу сўз «чарм қўлқоп соҳиби» ёки «устаси» деган иборага нисбатан кўп жиҳатдан маъқулроқ.

«Конькида югуриш» деган ва шунга ўхшаш ибораларлар ҳам ғайритабиийдир. Бунинг ўрнида «конькипойга», «яхмалакпойга», «конькиўзиш» дейиш мумкин. Ундан ташқари халқ тилида «яхмалак отиш», «коньки отиш», «яхмалак учиш» ва «коньки учиш» деган ибораларлар ҳам бор. «Фигурали учиш» ҳам маъқул ибораларлардан эмас. Буни «яхмалакўйин» ёки «конькиўйин» дейилса, тил қонуниятларига мосроқ бўлади. Демак, бошқа тилларда бўлганидек ўзбек тилида ҳам маънодош сўзлар кўп экан, лекин сўзловчидан уларни яхшилаб билиб олиш ва ўз ўрнида ишлатиш талаб қилинади. Агар сўз одатдаги маъносига хилоф равишда қўлланса, бу айб ҳисобланади. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, махсус илмий асарларда бир атамани унинг маънодошлари билан алмашлаб қўллашдан қочилади. Чунки илмий асарларда аниқлик биринчи ўринда туради. Масалан, бирор варзишшуносликка оид илмий асарда бокс тушунчаси доим, неча марта такрорланишидан қатъи назар «бокс» сўзи билан ифодаланаверади. Аммо оммавий хусусан бадиий нутқда маънодош сўзлардан тўлиқ фойдаланилса, бу айб эмас, санъат ҳисобланади.

Ғайриилмий нутқда, масалан, бир гапда «қиличбозлик қилдилар», иккинчисида «қилич солишдилар», учинчисида, «қиличлашдилар» дейиш мумкин. Аммо илмий матнда, масалан, «қиличбозлик» сўзи варзиш турига нисбатан, «қиличлашмоқ» сўзи мусобақадаги муайян ҳаракатига нисбатан, «қилич солмоқ» ва «санчмоқ» феъллари аниқ зарба ва унинг турларига нисбатан қўлланиши мумкин. Бунда бу сўзларнинг бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Бу ҳолда сўзларни унинг маънодошлари билан алмаштириш илмий хатога сабаб бўлиши мумкин. Тўғрироқ қилиб айтганда, оддий ёки бадиий нутқда маънодош бўлган сўзлар илмий матнда маънодошлик хусусиятини йўқотади.

Жўрабоши — Бугунги суҳбатни шу ерда кесамиз.

Вассалом

Алибек РУСТАМОВ,
профессор.

Хоразмда жумҳурият мусиқа ҳафталиги давом этяпти

Вилоятда яқин йиллар ичида жумҳуриятимизнинг шунчалик кўп таниқли композиторлари йиғилмаган эди. Ҳафталикнинг ўтказилиши бунга шароит яратиб берди. Натижада хоразмликлар санъат намояндаларининг асарлари, ижрочилик фаолиятлари билан бевосита танишиб, баҳс-мулоқотларда иштирок этишга муваффақ бўлишяпти.

— Ҳафталикнинг бош моҳиятларидан бири ҳам ана шунда, — дейди Ўзбекистон ССР Композиторлар уюшмаси раиси А. Жабборов. — Халқимиз ўзининг ажойиб истеъдодларини билсин, ўй-фикрлари, режалари билан танишсин. Табийки, бундан икки томон ҳам бирдай манфаат кўради. Биз ўзига хос имтиҳондан ўтамиз, томошабинлар янги ижодий ишларимизни кўришади.

Ҳақиқатан шундай бўляпти. Урганч шаҳар қурилиш техникуми, ёг-мой комбинатидаги дастлабки учрашувлар иштирокчилар хотирасида сақланиб қолади. Ш. Рамазонов, У. Мусаев, М. Юсупов, С. Ҳайитбоевларни туғилган юртларига таништириб ўтиришнинг ҳожати қолмади. Улар билан вилоятга С. Жалил, С. Анваров каби композиторлар, бастакор Ғ. Тошматов, санъаткорлардан Д. Жабборова, Т. Шарипов, Т. Ражабов ва бошқалар ташриф буюришди.

— Мусиқа ҳафталиги кунларида уюшманинг секретариати ҳам бўлиб ўтади, — деди уюшма раиси.— Маълумки, Хоразм ўзининг мусиқа хазинасига эга. Жуда кўп моҳир композитор, санъаткорлар етишиб чиққан ва чиқаётган ўлка бу ер. Ана шу бой мерос ардоқлаб, авайлаб сақланиб, ривожлантирилиб бориляптими? Мусиқа санъатини янада тараққий эттириш, янги истеъдодларни камолга етказиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Бу борада уюшмамиз етарли ғамхўрлик кўрсата оляптими? Ўйлайманки, вилоятнинг маданият ва санъат ходимлари иштирокида ўтадиган йиғилишда шу каби масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлади. Кўтарилган муаммо, камчиликлар, билдирилган таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилиб, ҳаётимиз мажлисида кўриб чиқилади, аниқ тадбирлар тузилади.

Ҳафталикнинг яна бир ажойиб жиҳати бор. У хивалик композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Шариф Рамазонов таваллудининг 80 йиллик тўйи билан узвий боғлиқ.

Ш. Рамазоновни жумҳуриятимизда ва мамлакатимизда ўзига хос ёрқин санъаткор, ўзбек мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўшган намоянда сифатида яхши билишади. Етимлик азобларини, Улуғ Ватан уруши даҳшатларини ўз бошидан кечирган композитор ижодий фаолияти давомида инсон руҳиятининг энг гўзал жиҳатларидан бўлган эзгулик ва бахтни мусиқада ифода этишга интилди. Бу жиҳатдан у яратган машҳур «Шоҳсанам» музикали драмасини, «Хоразм сюитаси»ни, «Гулчи қиз», «Наманган олмаси», «Интизор» каби ўнлаб қўшиқларни эслаш кифоя.

Ш. Рамазонов Хоразмда профессионал театр, болалар мусиқа мактабларини ташкил этишда бош-қош бўлган.

Хоразмда меҳнат коллективлари, маданият ва санъат даргоҳларида жумҳурият мусиқа ҳафталиги давом этяпти. Томошабинлар хурсанд. Чунки, улар учун тўйга уйғун бундай учрашувлар қанча кўп бўлса шунча оздир.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тўйга уйғун учрашувлар

• *Футбол: жаҳон биринчилиги*

ҲАР КИМГА ҲАМ ОСОНМАС

Мухлислар ўртасида муросасиз баҳслар ҳали олдинда, деган фикрлар юрибди. Лекин гуруҳларда давом этаётган саралаш ўйинлари ҳар бир команда учун ўзига хос имтиҳонга айланаётир. Футболчилар дастлабки учрашувлардаёқ ўзларини кўрсатишга, командалари мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳарқалай Италия, Чехословакия, Бразилия, ГФР, Бельгия, Руминия, Камерун, Коста-Рика, Колумбия командалари биттадан ғалабага эришиб, курашни давом эттиришга даъвогарликларини кўрсатишди. Кеча Уругвай — Испания командалари учрашуви билан гуруҳлардаги дастлабки тур ўйинлари якунланиб, Аргентина—СССР ўйини билан навбатдаги учрашувлар бошланди.

Саралаш ўйинларида зафар қозониб, нимчорак финалга чиқиш осонмас. Шунга қарамай, ҳар бир командада умидворлик кучли. Футболчиларни рағбатлантириш, руҳларини кўтариб, ғайрат ва шижоатга даъват этишга алоҳида эътибор бериляпти. Чунончи, Швеция командаси мутасаддилари футболчиларга катта ваъда қилишмоқда. Агар швецияликлар нимчорак финалга чиқишса, уларнинг ҳар бири 6,5 минг долларлардан олишлари мумкин. Чорак финал эса 10 минг, яримфинал 14 минг, деб баҳоланмоқда. Финалга чиқилгудек бўлса, 20 минг сўмдан пул ажратилади. Тасодиф юз бериб, Швеция чемпион бўлиб қолгудек бўлса, футболчилар 40 минг долларлан киссаларига солишлари мумкин экан.

Зеро учрашувларда қўпол ликка йўл қўйиш футболчиларга қимматга тушиши мумкин. Халқаро футбол федерациясининг қарорига мувофиқ огоҳлантирилган футболчи 10 минг Швейцария франки бўйича жарима тўласа, майдондан чиқазиб юбориладиган бўлса, яна 5 минг қўшимча жаримани ўз ҳисобидан беришга мажбур экан. Шу жиҳатдан қараганда Камерун футболчилари ғалаба қозониб, кўпчиликни ҳайратга солишган бўлса-да, жарима тўлаш маъносида бироз ноқулай аҳволда туришибди.

Ишқибозлар саралаш баҳсларининг иккинчи даврасини бошлаб берадиган Аргентина — СССР командалари учрашувига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Бунинг боиси сир эмас: кучлилар сафида бўлишга даъвогар бу командаларнинг чемпионат бошидаёқ имкониятни бой бериб қўйишганидир. Совет футболчилари устози мағлубиятдан хулоса чиқаргандай бўлиб, навбатдаги учрашувда майдонга ўзгача тартибда футболчилар туширмоқчи эканини баён этди. Команда бошлиғи Никита Симонян эса чемпионларга ҳам, бизга ҳам осон бўлмайди, деб тан олди. Лекин, бу сафар Бессонов ўрнига Фокин ёки Демьяненко тушиши, Яремчук Литовченкони алмаштириш, Бородюк эса Добровольский ўрнини тўлдириши кутилмоқда. Бармоғидан жароҳатланган Протасовни йигирма кун майдонга тушмаслиги кутилмоқда.

Жаҳон чемпионлари — Аргентина футболчилари эса учрашув ўтказиладиган Неапол шаҳри мухлисларига кўпроқ ишонишмоқда. Боиси, Марадона шу ердаги маҳаллий командада ўйнаб, эътироф топган. Ким биладиди дейсиз, Футбол қироли Пеле таъбири билан айтганда, Марадонанинг машқи тобида, деб бўлмайди.

Камерун командасидан кейин Коста-Рика футболчилари ҳам кўпчиликни ҳайрон қолдиришди. Бу коллективнинг Шотландия футболчилари билан ўйинда ғалаба қозонишини ҳеч ким кутмаган эди. Лекин дарвозага киритилган ягона тўп Коста-Рика имкониятларини мустаҳкамлади. Шунга ўхшаш Англия — Ирландия учрашуви ҳам дарвозаларга биттадан тўп киритилиши қизиқ бўлди. Лекин, бу учрашув полицияга катта таҳвиш келтирди. «Тўполончилар» деб доврғ таратган инглиз мухлислари учрашув пайтида ноҳуш воқеага қўл уришлари ҳеч гап эмасди. Чемпионатга ташриф буюрган 15 минг инглиз ишқибози ҳайтовур тўс-тўполонсиз тарқалди.

Олтинчи группага кирувчи яна бир учрашувда ҳам худди шундай ҳисоб қайд этилди. Голландия — Миср ўйинида томонлар биттадан тўп киритишди. Ҳозирча чемпионликка даъвогарлардан ҳисобланган Голландия футболчилари ҳамжиҳатликка таянишмоқда. Уларнинг ишонган ўйинчиси Гуллитнинг жароҳати тузалгач, балки голландияликлар ҳаракатида ўзгариш бўлар.

Бешинчи гуруҳда ўйнаётган Бельгия футболчилари ажойиб ғалабага эришдилар. Кучлилар сафида бўлади, деб башорат этилаётган бу мамлакат футболчилари Жанубий Корея ўйинчилари билан орани очиқ қилишди. Биринчи тўпни дарвозабон хатоси билан тўрга урилди, деб ҳисобланаётган бўлса, 64-минутда киритилган тўп мухлисларнинг ёдида қолди. Шундай қилиб, Ги Тис шогирдлари саралаш учрашувида муваффақиятли чиқишга шай эканликларини намойиш этдилар.

Бугунгача жами 13 та учрашув ўтказилди. Олдинда эса яна 23 та ўйин бор. Шундан кейингина курашни давом эттирувчи командалар номи аниқланади. Демак, ҳаммасини вақт кўрсатади.

Ҳ. НОСИРОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.

ЎЙИНЛАР ВА ҲИСОБЛАР

1. Аргентина—Камерун	0:1
2. СССР—Руминия	0:2
3. Италия—Австрия	1:0
4. Бирлашган Араб амирликлари—Колумбия	0:2
5. АҚШ—ЧСФР	1:5
6. Бразилия—Швеция	2:1
7. ГФР—Югославия	4:1
8. Коста-Рика—Шотландия	1:0
9. Англия—Ирландия	1:1
10. Бельгия—Жанубий Корея	2:0
11. Голландия—Миср	1:1

(Биринчи рақамлар дастлабки ўйинлар тартибини билдиради).

ИШҚИБОЗ ЕН ДАФТАРИГА

КЎРСАТКИЧ ЎЗГАРАРМИКАН?

● Бундан саккиз йил олдин ўтказилган биринчиликда дарвозаларга киритилган тўплар сони 146 та бўлди. 1954 йили ҳар бир ўйинда ўртача натижа 5,38 голни ташкил этди. Бу сафарги мусобақада шу кўрсаткичдан ўзиб кетилармикан!

ЭНГ КЎП ТОМОШАБИН

● 40 йил муқаддам Рио-де-Жанейро шаҳридаги ҳал қилувчи ўйинда Бразилия ва Уругвай футболчилари куч синашишганди. Ўшанда «Маракана» стадионига 175 минг томошабин келиб бу ўйинни кузатди.

14 ТЎП ОЗМИ, ЁКИ...

● 1970 ва 1974 йиллардаги жаҳон биринчилиги учрашувларида ГФР ўйинчиси Г. Мюллер дарвозаларга жами 14 тўп йўллади. Француз Ж. Фонтен эса 1958 йилда 13 марта рақиблар дарвозабонини доғда қолдирган.

ДАРМОНДОРИ—САЛОМАТЛИК МАНБАИ

Куни кеча Тошкентда дармондориларни ҳосил қилиш, йўллари ва уларнинг аҳамияти масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Бутуниттифоқ микробиология жамиятининг Ўзбекистон бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг микробиология институти ва илмий кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик А. Ғ. Холмуродов конференцияда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, турмушимизда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида гапириб берди.

— СССР Медицина фанлари академиясининг Овқатланиш институти мамлакатимизнинг айрим ўлкаларида аҳолининг витаминлар билан таъминланишини оммавий текшириб чиққанда натижалар шуни кўрсатдики, меҳнатга лаёқатли катта ёшдаги кишилар, мактаблар ва билим юртлари ўқувчилари, ҳомиладор аёлларнинг витаминлар билан таъминланиши тавсия этиладиган меъёрга тўғри келмас экан. Мамлакатимиз аҳолисини витаминлар билан таъминлаш бўйича АҚШ, Япония нисбатан 3-4 марта орқада қолган.

Конференцияда ўз маърузалари билан қатнашган йирик олимлар, москвалик В. Спиричев, Э. Диканская, Е. Обольникова, украиналик Г. Шевловский ва бошқалар бир қатор илмий-тадқиқот институтларининг лабораторияларида олиб борилган илмий кузатиш ишларининг натижалари билан ўртоқлашдилар, таклиф-истакларини билдирдилар.

А. ПЎЛАТОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
1990-1991 ўқув йили учун
ФАРМАЦЕВТИКА ИХТИСОСИ БЎЙИЧА
ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 йил.

Ариза ва ҳужжатлар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Институтга кириш учун ёзилган ариза ректор номига берилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки диплом (асли), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона ёки муассаса раҳбари тасдиқлаган).

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР: химия (оғзаки), **биология** (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (иншо)**дан имтиҳонлар топширадилар.**

Кириш имтиҳонлари 16 июлдан 5 августгача ўтказилади.

Институт манзилгоҳи: 700015, Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 45-уй/метронинг «Ойбек» станцияси.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги
Тошкент технология техникуми
1990-1991 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

Техник-механиклар: ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати жиҳозларини ишлатиш ва таъмир этиш;

Техник-электриклар: ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати электр ускуналарини ишлатиш;

Ҳисобчи (бухгалтер)**лар:** ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарининг хўжалик фаолиятини ҳисобот таҳлил ва назорат қилиш;

Техник-технологлар: донни қайта ишлаш ва сақлаш технологияси.

Ўқиш муддати: ўрта умум таълим мактабларини битирганлар учун:

Техника-механик ихтисослигининг кундузги бўлимида 2 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда — 2 йилу 11 ой.

Техник-электрик: кундузги бўлимда 2 йилу 7 ой, сиртқи бўлимда — 2 йилу 8 ой.

Техник-технолог: кундузги бўлимда 2 йилу 6 ой, сиртқи бўлимда — 2 йилу 7 ой.

Ҳисобчи (бухгалтер)**лик:** кундузги бўлимда 1 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда — 2 йил.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналарини ишлатиш ва таъмир этиш, ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш, электр ускунларини ишлатиш, ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарининг хўжалик фаолиятини ҳисобот-таҳлил этиш ва назорат қилиш ихтисослари бўйича — ўрта мактабни тамомлаганлар: **риёзат** (математика) оғзаки, она тили ва адабиёт (иншо).

Донни қайта ишлаш ва сақлаш технологияси ихтисоси бўйича — ўрта мактабни тамомлаганлар: **она тили ва адабиёт** (иншо), **кимё** (оғзаки).

АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ:
Ўрта мактаб ўқувчиларидан 14 августгача;
Сиртқи бўлимга: 10 августгача.
Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Техникумга кириши истаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Маълумоти ҳақида гувоҳнома, ариза, тиббий маълумотнома (086/Vформа), 4 та сурат 3х4 см, меҳнат дафтарчасидан нусха (иш муддати бор бўлганлар учун).

Кундузги бўлимга кирганлар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар.

1-Қорасув даҳаси, 1-б уй (21, 49, 63, 89 — автобусларнинг 1-«Қорасув» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғи директори
БЎШ ЛАВОЗИМИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР КОНКУРСДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

Конкурс қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи ҳоли, олий ўқув юртини битирганлиги ва илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари, меҳнат жамоаси, ёки бошқа орган, ташкилот томонидан номзодга кўрсатилганлиги тўғрисидаги қайднома.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми ва Биология фанлари бўлими, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, жамиятлар ва уюшмаларнинг ваколат доирасига киради.

Конкурс муддати — 27 июнгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Биология фанлари бўлими, телефон 33-32-83.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/VI да **Севилья сартароши**, 15/VI да **Спартак**, 16/VI да **Масхарабозлар**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/VI да **Куёв**, 15/VI да **Келинлар қўзголони**, 16/VI да **Жар**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 14/VI да **Гул ва Наврўз**, 15/VI да **Олтин тўй**, 16/VI да **Муҳаббат навоси**.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети Ишлар бошқармасининг Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик бош бошқармаси жамоаси Навоий гўшт комбинатининг директори

Бахтиёр ШОПУЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Узагросаҳтехгазмонтаж» трестининг 333-ихтисослаштирилган механизация колоннаси жамоаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи, трестнинг кекса ходими

Султон Ходжамович ХОДЖАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ўй-жой коммунал хўжалик вазирлиги коллегияси, «Ўзремстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси фирқа қўмитаси, касаба уюшмаси ва раҳбарияти «Тошкент облремстройтрест» бошқарувчиси

Илёс Каримович РАҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти жамоаси илмий ходим Т. Тўрабоевга отаси

Холмирза ТУРАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректори ва жамоат ташкилотлари ҳамда физика факультети жамоаси умумий ва экспериментал физика кафедрасининг мудири И. Исмоиловга онаси

Ойимхол ҚУРБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 01372. № 135. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12